


# O‘zbekiston adabiyoti va san’ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ · Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan · e-mail: uzas@b2c.uz · 2012-yil 27-iyul • №30 (4169)


## ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

# МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШНИНГ РАНГИН ЙЎЛЛАРИ

**Фарзандлари ўз эркини эл-юрт олдидаги масъулият билан уйғун англаган, ўз йўлини Ватани тақдири билан чамбарчас боғлаган халқ тараққиётда ҳамиша олдинда-дир. Мозийнинг мазкур мезони истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида халқимиз эришаётган улкан ютуқлар мисолида яна бир бор ўз исботини топмоқда.**

**Шу билан бирга, бугунги мураккаб глобаллашув даври ҳосиласи бўлган фикрлар ўртасидаги тўқнашувлар, қадриятлар эврилиши, айниқса, ёшлар қалбидаги иқлим алмашишлар халқимиз маънавий устунларини янада мустаҳкамлаш масаласини тобора долзарблаштирмоқда. Ўзбекистон Бадиий академияси раиси, Ўзбекистон халқ рассоми Акмал Нуриддинов (Акмал НУР) билан Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА мухбирининг суҳбати шу мавзуда — мамлакатимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлашда ижодкор масъулияти ҳақида бўлди.**

– Мустақиллик халқимиз ҳаётидаги энг буюк воқеадир, – дейди А.Нуриддинов. – Агар «ким эдигу, ким бўлдик?» деган саволни тасвирий санъат соҳасига, ўзбекистонлик рассомлар тақдирига нисбатан қўллайдиган бўлсак, мен ижодкорларга аввало маънавий илдизларимизга суяниб фикрлаш ва уни эркин ифода этиш бахти насиб этди, деб жавоб бераман.

Бир мисол: собиқ тузум даврида бешик тасвири туширилган бирорта суратимизни намойиш этолмаганмиз. «Бешик – эскилик сарқити», деган найрангларнинг замирида халқимизни ўз илдизларидан айиришга ва манқуртга айлантиришга уриниш, миллат ўзлигини англаб қолишидан катта қўрқув мужассам эди. Шунинг учун ўша даврдаги кўплаб суратларда чаккасига пахта чаноғини қистирганларнинг ясама ва зўраки табассуми бўларди. Бугун аксарият мусаввирларимизда ўзимизга хос ва мос йўлни давом эттириш иштиёқи кучли. Бунинг учун етарлича имконият мавжуд.

Илгари рассомлар бадиий кўргазмасини ўтказиши учун минг бир чиғириқдан ўтишига тўғри келар, ғоявий муаммо ва тўсиқлар кучли эди. Ҳозир ёш истеъдодлар равнақи давлатимизнинг доимий эътиборида, янги-янги таълим масканлари, муҳташам саройлар, кўргазма заллари барпо этилмоқда. Мунтазам равишда ўтказилаётган кўрик-танловлар, фестиваль ва анжуманлар ёшларимизнинг ижодий ва маънавий юксалишига хизмат қилаётир.

**Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллигига**

**– Энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида халқимиз ижодкор фарзандларидан муносиб совға кутиши табиий. Бу борада Бадиий академия томонидан амалга оширалаётган лойиҳалар ҳақида гапириб берсангиз?**

– Бу йил академиямиз ташкил этилганига 15 йил бўлди. Шу кунларда рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик, маҳобатли ва амалий санъат, бадиий фото каби кўплаб йўналишларда ижод қилаётган бир ярим минг нафардан ортиқ уюшмамиз аъзоси байрамга катта ҳозирлик кўрмоқда. Жорий йилги тадбирларимиз, асосан «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» ҳамда «Оила соғлом экан, жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан, мамлакат барқарор» эзгу ғояларини ўзида мужассам этган.

Айни кунларда халқимизнинг истиқлол даврида эришган ютуқлари, тинч-осойишта ҳаётимиз, замондошларимиз қиёфаси акс эттирилган рангтасвир ва фотоасарларнинг мамлакатимиз бўйлаб кўчма кўргазмалари, учрашув ва давра суҳбатлари ташкил этилмоқда. Бадиий кўргазмалар дирекциясининг фондида сақланаётган асарларни ҳам кенг намойиш этаётирмиз.

Август ойида халқимиз тарихидаги мудҳиш саҳифа – ХХ асрда ўзбек зиёлиларининг қатағон қилинишига оид янги рангтасвир асарлари кўргазмасини ташкил этиш режалаштирилган. Булар мустақиллик осонлик билан қўлга киритилмагани, бугунгидек эркин ва обод кунлар ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмагани ҳақида аҳоли, айниқса, ёшларимизда кенг тасаввур уйғотишга хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

Оила – тақдиримиз, бахтимиз. Ҳар қандай ислоҳот, янгиланиш аввало оиладан бошланади. Шу йилнинг ўтган даврида «Оила ўчоғин асрасин аёл», «Бахтли оила», «Оила – болалар нигоҳида», «Она юртим – ота маконим» каби мавзуларда кўргазмалар ўтказилди. Уларда намойиш этилган асарларнинг барчасида бир мазмун мужассам: Ўзбекистон – ягона ва мустаҳкам оила, халқимизнинг ҳаёт тарзи ва фалсафаси неча-неча асрларга туташ, шу боис ҳам бугунимиз барқарор, эртамиз ёруғ.

**– Халқаро ҳамкорликлар кўлами ва натижалари ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз?**

– Ўзбекистонлик ижодкорларнинг асарлари бугун дунёдаги кўплаб нуфузли музей ва галереялардан мустаҳкам ўрин эгаллаган. Мамлакатимизда халқаро биеннале, танлов ва кўргазмалар ўтказилаётгани, айниқса, ёш истеъдодларни кашф этиш ва қўллаб-қувватлаш, ёшлар маънавиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Яқинда япон рассоми Хиросигэ Утагаванинг «Эдонинг машҳур манзаралари», жанубий кореялик рассом Юн Кенг А хонимнинг «Воҳа ва мовий ранг» мавзуларида шахсий кўргазмаларини ўтказдик. «Италия квинтети» бадиий кўргазмасида Комо шаҳридаги Альдо Галли номидаги нафис санъат академиясида таҳсил олган ёш ўзбек мусаввирларининг асарлари намойиш қилинди. Таниқли америкалик фото устаси Франк Уорднинг, «граттаж» (ўткир қиррали асбоб билан картонга сурат чизиш) ва эмаль (буюмларни бадиий сирлаш) услублари бўйича япониялик ижодкорларнинг маҳорат дарслари ташкил этилди.

Ўнлаб мусаввирларимиз хорижий давлатларда ўтган бадиий кўргазмаларда ўз асарлари билан иштирок этди. Айниқса, яқинда ўтказилган «Ўзбек атласи ва адраси японияликлар нигоҳида» мавзусидаги кўргазма икки минг йиллик тарихга эга миллий газламаларимизнинг, халқимиз юксак онгу тафаккурининг яна бир ифодаси бўлди. Япониялик ҳунармандлар ясаган кўплаб буюмлар атласнинг шубҳасиз бетакрор санъат маҳсули эканини яна бир карра тасдиқлади.

Давоми бешинчи саҳифада.




XXX ёзги Олимпия ўйинлари бошланди. Лондонда жойлашган барча муҳташам спорт иншоотларида, жумладан марказий сув спорти саройида ҳам Ватанимиз байроғи ҳилпираб турибди.

# ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ИЛМИ

**Бу икки йил нари-берисидаги гап. Ўшанда этнолог олим Адҳамжон Ашировни Андижонга тўйга таклиф қилишганди. Йўлга Япониянинг Киото университетидан ўзбекларнинг оилавий маросимларини тадқиқ қилиш учун келган Сейка Вазаки, италиялик олим Томмассо Теревизиани ҳамда жанубий кореялик ёш аспирант билан бирга чиқишди. Ёш олимни, бир томондан, хорижлик ҳамроҳларининг ўзбек тилида аскияю пайровлар қилиб кеттани ҳайратга солган бўлса, иккинчи томондан, уларнинг жамоавий анъаналаримиз ва удумларимизга бўлган қизиқишини ҳис қилиб ичичидан қувонди. Суҳбат асосида "Нима учун айнан ўзбек халқи этнографиясини тадқиқ қилаяпсизлар?" деб сўраганди, "Ўзбек халқи жамоа манфаатлари, жамоатчилик фикри доирасида, анъана ва урф-одатларга содиқлик негизларида бирлашишга мойил ва шунга интилади. Анъаналарнинг ўзи ҳам жамоатчилик фикрининг барқарорлашган ифодасидир", дея изоҳ беришди.**

**Ватан учун яшайлик!**

Давоми ~~учинчи~~ 2 саҳифада.

Бугун ижод бўсағасида турган, қалби орзу-умидларга тўла навқирон авлоднинг ғайрати, шижоатидан кўз қувонади. Ёшлар ўзларига яратиб берилган имкониятлардан руҳланиб давлатимизнинг меҳр ва ғамхўрликларига жавобан бадиий адабиётнинг барча тур ва жанрларида ўз иқтидорларини намоён этмоқдалар. Уларнинг илк шеърий, насрий китоблари пешма-пеш чоп этилиб турибди, синчков устозлар, китобхонлар эътиборига тушаётир.

**Ёшлар овози**

Ёш ижодкорларга ишонч ҳақида гапирганда, Юртбошимизнинг шу йил 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан пойтахтимиздаги табаррук маскан — Хотира майдонида айтган: "Эртанги кун ёшлар қўлида. Ҳал қилувчи куч сифатида кириб келаётган ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларга ишонч билдириш лозим", деган даъвати беихтиёр ёдга келади.

Дарҳақиқат, Истиқлол шарофати билан ёш авлод учун барча соҳаларда имкониятлар эшиги кенг очилди. Натижада бадиий ижод, таржима, адабиётшунослик соҳалари истеъдодли ёшлар ҳисобига тўлмоқда, янгидан куч-қудрат касб этмоқда. Таҳририятимизга ўзининг илк мақолалари, тадқиқотлари билан келаётган талабалар, тадқиқотчилар қаторида бадииятнинг назарий масалалари, поэтик сўз жозибаси, жаҳон адабиёти тажрибалари, бадиий таржима муаммолари, аждодларимиз мероси таҳлили сингари турли-туман мавзуларда изланаётган ёшлар бор. Биз уларнинг ҳар бир ҳаракатига эътибор билан қараб, муайян мавзу доирасида ўз сўзи, фикри, илмий, мантиқий хулосаларга эга бўлган тадқиқот, ахборот мазмунидаги ишларини танлаб, саралаб, адабий жамоатчилик ҳукмига ҳавола этиб келаяпмиз. Бу ишимиз ёшларни рағбатлантиради, ўзларига бўлган ишончни мустаҳкамлайди, деган умиддамиз.

Газетамизнинг ушбу сонида адабиётшуносликнинг турли мавзуларида тадқиқот олиб бораётган бир гуруҳ ёшларнинг илмий изланишлари билан танишасиз.

*Танқид ва адабиётшунослик бўлими.*

# СОҲИБ ТАСНИФ

Машҳур ношир ва китоб тожири Мир Маҳдум ибн Шоҳюнус Тошкандий адиблар Хислат, Сидқий Хондайлиқий ва Мискин билан замондош бўлган, биргаликда фаолият юритган ҳамда Тошкент шаҳрида маданий ҳаётнинг ривожланишига муносиб улуш қўшган шахслардан биридир.

Мир Маҳдум ибн Шоҳюнус таржимаи ҳоли ҳақида ҳозирча тўлиқ маълумотга эга эмасмиз. Бироқ унинг раҳбарлиги ва ҳомийлигида нашр этилган, ҳозирги кунда ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар заҳирасида, Ҳамид Сулаймон фонди ва Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейида сақланаётган бир қанча тошбосма китобларнинг жилди ҳошиясидаги маълумотлар Мир Маҳдум фаолияти хусусида муайян тасаввур ҳосил қилишга кўмаклашади.

Шахсий кутубхоналардан бирида Мир Маҳдум ҳомийлигида чоп этилган "Мубаййин" нинг 1905 йилда нашр қилинган тошбосма нусхаси сақланмоқда. Бобур қаламига мансуб "Мубаййин" нинг ушбу мукаммал нашри илк бора Мир Маҳдум саъй-ҳаракатлари натижасида О.А.Порцев типо-литографиясида нашр этилган. Ношир ўқувчилар диққатини жалб қилиш мақсадида асарнинг титул варағини ҳадис билан бошлайди ва китоб номини бироз ўзгартириб "Мубаййин ул-ислом" (Ислом дини қоидалари), деб номлайди. Титул варақнинг пастки қисмида қуйидаги ёзувлар битилган: "Дар балдаи Тошканд. Бо эҳтимоми Мулло Мир Маҳдум ибн Шоҳюнус Тошкандий базевар табъ ораста кардид. 1323".

Маълумки, "эҳтимоми" сўзи ҳиммати билан, яъни ўз маблағи эвазига нашр қилинганлигини билдиради. Мир Маҳдум асарни таҳрир қилади, саҳифалар ҳошиясида тушунилиши қийин сўзларнинг изоҳини беради. Мазкур асар ҳақида илк бора маълумот берган Ж.Жўраев келгусида "Мубаййин"нинг танқидий матнини тузишда ушбу китобдан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқлигини таъкидлайди. Кўринадики, ношир бу ишга масъулият билан ёндошган ва ўзбек китобхонларига Бобурнинг "Мубаййин" асарини биринчи марта кўп нусхада оммабоп усулда нашр эттириб тақдим этган.

Ҳамид Сулаймон фондида сақланаётган "Калила ва Димна"нинг тошбосма нусхаларида ҳам Мир Маҳдум номи учрайди. Китоб 1907 йили Тошкент шаҳри Ғуломия матбаасида нашр этилган. 572 саҳифадан иборат. Ҳажми 16х24,5 см. Китобнинг титул варағида асар номидан сўнг юқори ва пастки қисмларида унинг чоп этилишидан кўзланган мақсад ва бу ишни бажарган шахслар ҳақида маълумотлар битилган. Жумладан, пастки қисмида қуйидагилар ёзилган: "Бо илтимоси аҳоли Тошканд мувофиқ ал-луғат Туркистон ва Фарғона мазкур китоб мутабаррук қадр оинасиға янгидин турки либосин кийдируб турки муштоқларин назариға монанд тароват ва латофатлик ахборотлар бирлан таҳрир ва тафсир айлаб туркия муштоқларин мутолаа ва музокарати орзусида толиб рағбат этган сабабдин Мулло Мир Маҳдум Шоҳюнус Марҳум ўғли. Табъ бўлмоқға тараддуд қилдим".

Давоми учинчи саҳифада.

Ўзбек кино санъати хазинасида шундай дурдона асарлар борки, уларни қайта-қайта кўрсангиз ҳам яна кўргингиз келаверади. Масалан, "Маҳаллада дув-дув гап", "Суюнчи", "Шум бола", "Келинлар қўзғолони", "Тўйлар муборак", "Чинор остидаги дуэл" каби филмларни томоша қилганда ҳар гал завқ оламиз.

Афсуски, бугун кунда-кунора ёки ҳафтасига экран юзини кўраётган аксарият янги филмлар ҳақида бундай, деб бўлмайди. Уларни кино санъати тугул, томоша дейишга истиҳола қиласиз. Ёш "киноюлдузлар"имиз кичик-кичик ролларни ўйнаб маҳоратларини ошириш ўрнига, бош қаҳрамон образида чиқишга интилаётгани ҳам кишининг ғашини келтиради.

# ТОМОШАБИН АНОЙИ ЭМАС

Яқинда, дам олиш куни "Yoshlar" каналида "Ўзимдан ўзимгача" номли филмни кўриб қолдим. Унда бош ролни Адиз Ражабов ижро этган, қисқача мазмуни: шаҳарлик (келинни гўшангада қолдириб қочган) Даврон билан қишлоқлик (қассобнинг қўйини ҳаром ўлдириб қўйган) Наримон тасодифан учрашиб қолишади. Тўғрироғи, Даврон Наримонни машинасида уриб юборади... Ва шу тахлид иккисининг ўрни алмашади. Қизиғи шундаки, буни ҳеч ким сезмайди, ҳатто Давроннинг ота-онаси ва Наримоннинг бувиси ҳам.

**Куюнчак газетхондан мактуб**

Албатта, филмга холис баҳо бериш, актёрларнинг ютуғу камчиликларини таҳлил қилиш ва бундан тегишли хулосалар чиқариш шу соҳа мутахассислари эътиборига ҳавола. Мен фақат томошабин сифатида кўнглимда туғилган саволни айтаман: наҳотки, ота-она ўз бағрида ўстириб вояга етказган фарзандини таниёлмаса?! Агар шунақа бўладиган бўлса, уларни ақли расо кишилар дейишга тил бормайди.

Ахир дунёда етти миллиард аҳоли яшаса-да, шулардан биттаси ташқи кўринишу феъл-атворда айнан бошқасини такрорлаши мумкин эмас. Табиатда бир хил шаклда учрайдиган қум доналари ҳам нимаси биландир фарқланади. Одатда, эгизаклар — Ҳасан-Ҳусан ёки Фотима-Зуҳралар бир-бирига ҳаддан ташқари ўхшайди. Лекин ҳеч қачон ота-онаси Ҳасанни Ҳусанга, Фотимани Зуҳрага адаштириб юбормайди. Демак, эгизакларнинг-да фарқли жиҳатлари бўлади.

Буни қарангки, ўша куни алмаштирилган қаҳрамонларни намойиш этишда мусобақалашгандек, кечки пайт "NТТ"да "Андижонлик меҳмон" берилди. Бу филмда Жаҳонгир Позилжонов бир вақтнинг ўзида ҳам андижонлик Баҳодир ҳам тошкентлик Фарҳод ролида ўйнаган экан. Хайриятки, томоша охирига бориб, Фарҳоднинг отаси Баҳодирга "Сен ўғлим эмаслигингни мен бошиданоқ билардим", дейди. Аммо онаси Баҳодир ўз ўғли эканига бирон марта шубҳа қилмади. Яна ўша савол туғилади: наҳотки она ўз фарзандини танимаса?!

Бизда азал-азалдан она мўътабар зот саналиб, ҳурмати юқори ўринга қўйиб келинади. Онанинг фарзандига бўлган меҳр-муҳаббатини таърифлашга сўз ожиз. Шундай экан, хоҳ кино ёки театр асарида бўлсин, она образини бу қадар жўн талқин қилиш ҳар қандай одамнинг энсасини қотиради. Чунки ҳеч ким танимаганда ҳам она фарзандини юраги билан танийди, қалбан ҳис қилади.

Бир хил қиёфаларни ўзаро адаштириб қизиқарли филм яратиш учун онани ўз фарзандидан бегона қилиш тўғри усул эмас. "Ўзимдан ўзимгача" ва "Андижонлик меҳмон" филмларидаги мантиқсизликлар режиссёру актёрларнинг томошабинларга нисбатан ҳурматсизликдан бошқа нарса эмас.

Матлуба САЙДАЛИЕВА

## Маданий ҳаёт

Пойтахтимиздаги Киночилар уйида "Мустаҳкам оила йили"га бағишланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унда Тошкент вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ходимлари, актёрлар, мутахассислар, жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Давра суҳбатида "Илк филм" киностудияси томонидан суратга олинган "Бахт уйи" филми режиссёри Акбар Бектурдиев ва бош рол ижрочилари қатнашди. Улар оиланинг жамиятдаги ўрни, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, мустаҳкамлаш ва уларнинг фаоллигини ошириш билан боғлиқ масалалар хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Тадбир сўнгида "Бахт уйи" бадиий филми намойиш қилинди.

Фармонбек МАТНАЗАРОВ,
"Туркистон-пресс"

# ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ИЛМИ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Ҳақиқатан, биз ўзбекларни бошқа халқлардан ажратиб турувчи ўзига хос ментал хусусият – жамоавийликка алоҳида эътибор қаратилиши ва жамият ҳаёти, одамлар турмуш тарзининг кўпроқ анъана, урф-одатлар орқали бошқарилишидир. Оддий бир мисол. Халқимиз қиз узатиш ёки куёв танлашда ҳам қуда томон хусусида муайян маълумотга эга бўлиб, унинг ижтимоий келиб чиқишини, жамоада тутган ўрни ва обрў-эътиборини ҳисобга олади. Агар бўлажак куёв ёки келиннинг ақли, одоби, ҳусн-малоҳати бир ҳисса бўлса, уларнинг қариндош-уруғлари, авлоднинг жамоадаги мавқеи ва бу хусусдаги жамоатчилик фикри аксарият ҳолларда ҳал қилувчи омил вазифасини ўтайди. Ғарбда жамоа инсоннинг ички, ботиний дунёси, руҳияти ва шахсий ҳаётига мутлақ аралашмайди. Шарқда эса бутқул бошқача манзарани кузатамиз: ҳар бир урф-одат, маросим жамоа, қўни-қўшнилар, маҳалла аҳли иштирокида ўказилади. Жамоа инсонни ижтимоий назорат остида тутиб туради, шахснинг жамоадаги мунтазам иштироки унинг умумий ахлоқий меъёрлар доирасида иш тутаётгани исботи сифатида талқин этилади. «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида таъкидланганидек, «жамоа, маҳалла бўлиб, бир-бирига меҳр-оқибатли бўлиб яшайдиган инсонлар, давр қанчалик ўзгармасин, тарих синовидан ўтган ўз қадриятларига содиқ бўлиб яшашни маъқул кўрар экан, буни замонавий фикрлайдиган, дунёга теран назар ташлайдиган одам тўғри тушуниши, тан олиши ва уни ҳурмат билан қабул қилиши лозим».

...Адҳамжон болалигида геолог бўлишни орзу қиларди. У туғилиб ўсган Фарғона водийсидаги Чотқол тоғи этакларида жойлашган сўлим Ровот қишлоғи (Косонсой тумани)нинг қадимий тепаликлари — Дукортепа, Навжартепа мурғак қалбга жуда сирли туюларди. Баъзан шундоққина оёғи остидан чиқиб қолган қадимий сопол синиқлари ҳайрату қизиқишини юз чандон оширарди. Бувиси Қумрихон аянинг айтиб берган эртак ва ривоятларини тинглаб зерикмасди. Маҳалла-кўйдаги тўйлар, байрамлар, турли сайилларда ўртоқлари билан ўйнаб юраркан, бот-бот болаларга хос бўлмаган ўйлар безовта қиларди. Хўш, бундай маросимлар нима учун ўтказилади? Катталарнинг баъзи удумлар ҳақида "Ота-боболаримиз шундай қилишган, бажармасак, ёмон бўлади", дейишлари-чи? Ахир, нега "ёмон бўлади"? Шу каби саволлар билан мактабдаги тарих ўқитувчиси Сотимжон домлани ҳам тинч қўймасди.

Онаси Сабоҳат опанинг туман кутубхонасида ишлагани Адҳамжон учун айни муддао бўлган, кутубхона унинг иккинчи уйи эди. Ҳатто касал бўлиб қолганида, бир тарихий китобни топиб берасиз, деб хархаша қилгани, дадаси Азимжон ака ҳудуддаги бутун китоб дўконларию кутубхоналарни қидира-қидира охири уни бир кишидан топиб берганини ҳамқишлоқлари ҳалигача кулиб эслашади.

Мактабни тугатаётганида унинг орзу-ниятлари "пишиб" улгурганди: олим бўлади! 1991 йили ҳозирги Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети тарих факультетига ўқишга кирди. Мустақил юртнинг қалдирғоч талабаларидан бири бўлди. Талабалик йиллари этнография, ўлкашунослик йўналишидаги экспедицияларга чиқди. Ўқиш ва изланишлар натижасида болаликдаги кўплаб саволларига жавоб олди. Аммо бу жавоблар ҳам уни тўла қониқтирмасди. Илмий изланишларни янада кучайтиришга эҳтиёж сезарди. Таниқли олим Ҳамиджон Ҳомидий маслаҳати билан Фанлар академияси Тарих институти аспирантурасига ўқишга кирди. Тақдир уни ўзбек халқи этнографиясининг зукко билимдони академик Карим Шониёзов билан рўбарў қилди.

— Устоз суҳбатининг ўзи катта мактаб эди, — деб хотирлайди Адҳамжон Аширов. — Кутубхоналарда соатлаб китоб титкилаб топа олмаганларимизни устознинг бир оғиз гапидан олардик. Домла ўз соҳасини севиш ва қадрлаш билан бирга, халқаро миқёсдаги анжуманларда халқимизнинг



Адҳамжон Аширов хорижлик ҳамкасблари билан.

ўтмиш тарихи, этногенези ва этник тарихига оид мулоҳазаларини қатъий ҳимоя қилиб, ўзбекларнинг бир неча минг йиллик тарихга эга эканини илмий асосда исботлаб бера олди, соҳада ўзига хос мактаб яратди.

Изланувчан йигит устозидек бўлишга астойдил интилди. Қисқа давр ичида ЎзР ФА Тарих институтида кичик илмий ходим, катта илмий ходим, илмий котиб, директорнинг илмий ишлар бўйича ўринбосари вазифаларида фаолият кўрсатди. Мана, 20 йилга яқин вақт мобайнида ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи, халқимизнинг анъанавий турмуш тарзи, миллий ва диний анъаналаримиз тарихи каби ўзбек этнологиясининг долзарб мавзуларида тадқиқот олиб бормоқда.

— Тадқиқот ишим мавзуси қадимий диний маросимлар ва анъаналар тарихига бағишланган, — дейди А.Аширов илмий ишининг аҳамияти ҳақида гапираркан. — Илмий изланишлар жараёнида Фарғона водийси ўзбеклари анъанавий турмуш тарзидаги қадимий диний эътиқодлар билан боғлиқ маросим ва урф-одатларни илмий жиҳатдан ўрганиш асосида ташқи олам, коинот, табиат тўғрисидаги қадимий тасаввурлар ва илк диний-эътиқодий қарашлар борасида қатор янги маълумотларга эга бўлдик. Миллий хусусиятлар ва тарихий қадриятларни тадқиқ қилиш орқали биз ўзбекнинг ўзлигини, жаҳон тамаддунига қўшган ҳиссасини кўрсатишга ҳаракат қиламиз.

Бу борада АҚШ, Англия, Франция, Германия, Япония, Россия, Жанубий Корея, Туркия, Марказий Осиё республикалари этнологлари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. 2011 йили "Халқлар ва маданиятлар" туркумида "Ўзбеклар" номли йирик фундаментал монография Москва шаҳрида чоп этилди. Китоб сўзбошисида таъкидланганидек, ушбу нашр ўзбекистонлик ва россиялик олимларнинг истиқлол йилларида олиб борган тадқиқотларининг ўзига хос сарҳисоби бўлиб, унда ўзбек халқининг этник тарихи, хўжалик анъаналари, моддий ва маънавий маданияти, оилавий ва жамоавий ҳаёт тарзи, қисқача айтганда, ўзига хос миллий хусусиятлари ёритиб берилган. Энг муҳими, бу китобнинг нашр этилиши дунё ҳамжамиятига ўзбек халқи кеча ёки бугун пайдо бўлган эмас, балки кўп минг йиллик тарихий анъаналар ва миллий қадриятларга эга халқ эканлигини яна бир исботлаб берди. Қолаверса, бу юртимизда этнология фани жаҳон фани билан ўзаро уйғун тарзда ривожланаётганидан далолат беради.

Ёш этнолог олим, тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти Этнология бўлими бошлиғи Адҳамжон Ашировнинг «Авесто»дан мерос маросимлар», «Relics of Ancient Religious Beliefs of the Residents of the Ferghana Valley» («Фарғона водийси аҳолиси оилавий маросимларида қадимий эътиқодлар»), «Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари», ҳаммуалифликда «Ўзбеклар», «Этнология», «Марказий Осиё халқлари этнографияси, этногенези ва этник тарихи», «Косонсой тарихи» номли монография ва рисолалари, юздан зиёд илмий-оммабоп мақолалари республика ҳамда хорижий мамлакатларнинг нуфузли илмий нашрларида чоп этилган.

— Яқинда Афғонистонда илмий изланишларини якунлаб Тошкентда тўхтаб ўтган германиялик ҳамкасбимиз билан учрашдим, — дейди қаҳрамонимиз. — У менга бир воқеани айтиб берди. Бу мамлакатда аҳвол жуда оғир бўлиб, одамлар таҳликада яшашидан хабарингиз бор. Немис олими турган уй эгасининг боболари қатағон йилларида Бухородан Афғонистонга кўчиб борган экан. Кунларнинг бирида кечки пайт телевизор орқали Ўзбекистонни, хусусан, Бухоро шаҳридаги болалар ҳаётига оид лавҳаларни кўраётганларида бирдан хонадон соҳибининг 10-12 ёшлар чамасидаги қизи йиғлаб юборибди. Бунга барча ҳайрон қолибди ва қизчанинг онаси ундан «Нима учун йиғлаяпсан?» деб сўрабди. Шунда қизча; «Нима учун биз Ўзбекистонда яшамаймиз?» деб саволга савол билан жавоб қайтарибди... Хорижлик ҳамкасбим менга ота маконга бўлган меҳрнинг нечоғли юксаклигини, тинчлик ва хотиржамлик энг катта бойлик эканини қайта-қайта такрорлади.

Қалбимни ларзага солган иккинчи воқеа ҳам хорижда яшаётган ватандошларимиз билан боғлиқ. Ўзбекистонга келган туркиялик тадқиқотчи Нуриддин Хотинўлининг айтишича, унинг боболари ҳам XX асрнинг 20-йилларида Афғонистонга кўчган ва кейинчалик Туркияга бориб яшаб қолган экан. Отаси ҳар гал Ватан тўғрисида бирор бир хабарни радио ёки телевединие орқали эшитиб қолса, кўзига ёш оларкан.

Эътибор берсангиз, йиғлаётганлардан бири — ёшгина қизалоқ, иккинчиси — кекса отахон. Ҳар иккисининг ҳам юраги Ватанга интилади. Бу туйғунинг залворини сўз билан ифодалаш қийин...

Афсуски, бугунги кунда ер шарида кечаётган глобаллашув жараёни натижасида жаҳон халқлари учун умумий этикет, умумий феъл-атвор, умумий менталитет, деган тушунчалар шаклланмоқда ва бунга жаҳон миқёсидаги сиёсий, иқтисодий ва ахборот борасидаги глобаллашув анча кучли таъсир кўрсатмоқда. Бундай умумийлашув муайян ижобий натижалар беришига қарамасдан, салбий оқибатларни ҳам намоён этади. У ёки бу халқнинг миллий менталитетига ҳам билвосита таъсир кўрсатади. Шундай экан, миллий қадриятларимиз, маросим ва удумларимизни келажак авлодга бутунича етказиб бериш, уларнинг софлигини сақлаш муҳим вазифадир.

Кучли миллий иммунитетгина миллатнинг асл бойлиги — миллий қиёфасини, миллий қадриятларини бус-бутун сақлаш ва бойитиш имконини беради. Аслида ўзликни сақлаш илми мана шудир. Истиқлол халқимизнинг бу борадаги ҳақ-ҳуқуқини тиклаб, миллий манфаатларимиз равнақи учун ойдин йўлларни очиб юборгани эса бизнинг ҳақиқий бахту иқболимиздир.

**Беҳзод ФАЗЛИДДИН**

# АЛЛАДАН БОШЛАНАР ЁРУҒ КЕЛАЖАК

**Дунёда оҳанглар кўп. Турфа товушлар гоҳ беқиёс мусиқа бўлиб, гоҳ қушлар чуғури, гоҳ сувлар шилдирашига айланиб юракка қуйилади. Аммо алланинг оҳанглари, товланишлари, жилолари бошқача. Чунки алла — инсоннинг жон қўшиғи, жонбахш қўшиғидир.**

Алла — инсониятга инъом этилган мўъжизавий оҳанг. Қайси тилда янграмасин, она меҳридан яралади, она меҳрини ифодалайди. Ва бу ҳали тил билмас гўдак билан онанинг илк суҳбатидир. Бу мулоқот фарзанд улғайган сайин янада теран моҳият касб эта боради.

— Она фарзанди билан қанчалик кўп суҳбатлашса, боланинг билим доираси шунча кенгаяди, — дейди руҳшунос Дилбар Тошпўлатова. — Бу борада ҳатто бир қанча тажрибалар ҳам ўтказилган. Болалар икки гуруҳга ажратилиб, бир гуруҳига билимдон ва кенг фикрли оналар, иккинчи гуруҳга нутқида камчилиги бор аёллар тарбиячи этиб тайинланганида биринчи гуруҳ болаларининг интеллекти тез ривожланган. Иккинчи гуруҳдагиларнинг эса беш ёшда ҳам нутқи яхши ривожланмай, одамови болакайларга айланишган.

Билимдон бўлиб улғайиши учун, энг аввало, болага алоҳида эътибор бериш, дунёни англашига кўмаклашиш керак. Мен буни ўз ҳаётимда синовдан ўтказдим. Кенжа қизим Азизага бошқа фарзандларимдан кўра кўпроқ вақт ажратдим. Она-бола ҳар хил мавзуларда суҳбатлашардик. Азизанинг мусиқага қизиқиши борлигини илғаб, Успенский номидаги ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейига етаклаб бордим. Юртимизда иқтидорли ёшларга жуда катта имкониятлар яратилган. Бу имкониятлардан Азиза ҳам бебаҳра қолмади. Фортепианога меҳр қўйган қизим эндиликда халқаро танловларда ғолибликни қўлга киритмоқда.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон қизларининг бугун жаҳон чемпионатлари, олимпиада мусобақаларида шоҳсупага кўтарилаётгани, санъат, фан ва маданият соҳасида халқаро танловларда ўзининг дадил сўзини айта олаётгани мамлакатимизда хотин-қизларга берилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг самарасидир.

Бугуннинг қизлари юксак мақсадларни кўзлайди.

— Дунёни ҳайратга соладиган санъаткор бўлишни орзу қиламан, — дейди кўзлари чақнаб В.Успенский номидаги ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи талабаси Нилуфар Муҳиддинова.

ЎзРФА қошидаги Ўсимлик моддалари кимёси институти илмий ходими Нилуфар Мамадалиева эса ўтган йили ЮНЕСКО-Л'ОРЕАЛ лойиҳасининг 2011 йилги "Аёллар фанда" номли халқаро стипендиясини қўлга киритди. Саида Искандарова, Екатерина Хилько, Ирода Тўлаганова, Оксана Чусовитина каби дунёга машҳур спортчиларимиз изидан Раъно Омонова, Оқгул Омонмуродова, Ульяна Трофимова, Жамила Раҳматова, Замира Санақулова, Нафиса Мўминова каби юзлаб қизларимиз халқаро майдонлар — жаҳон чемпионатлари ва Олимпиада ўйинларида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқдалар.

— Ёшлигимизда оналаримиз бизни маҳалламизга янги тушган келинларнинг ёнига юборишарди, — дейди Чортоқ туманидаги Арбағиш қишлоғида яшовчи Ҳикматхон ая Иномова. — Келинчак билан кечгача бирга бўлиш, унинг ишларига қарашиш бизга жуда қизиқ туюларди. Кечқурун уйга қайтганимизда зукко оналаримиз янги келинчак қандай экан, у билан нималарни гаплашдинглар, деб сўрашарди. Жавобимизга қараб, баъзи келинларникига тез-тез чиқишимизга рухсат беришса, айримларининикига қайта юборишмасди. Энди билсам, ўшанда оналаримиз биз қизалоқлар билан бўлган суҳбатларидан синашта бўлмаган келинларнинг феъли-фаросатини ўрганишган экан. Фалончининг келини жуда ширинсўз, меҳнаткаш, чевар экан, барака топсин, деб яхши таъриф айтилса, ўша келинга ҳавасимиз келарди. Унинг тиккан кашталари, тўр рўмолчаларидан нусхалар олиб, худди шундай тикишга интилардик.

**Ўзбекойим ибрати**



Қайсидир уйда чақалоқ туғилса, қизалоқлар биргалашиб ўша хонадонга чопардик. Кечқурун уйга келиб чақалоқнинг таърифини айта бошлаганимизда, онаси алла айтишни билармикан, деб сўраб қолишарди. Аллани ўрганиш ҳам фазилат экан-да, деган ўйда янгаларнинг қўшиғига қулоқ тутиб, алланинг оҳанги, сўзларини ёдлардик. Энди ўйласам, қизларнинг чечан янгаларга қараб бўй ростлаши ҳам тарбиянинг битта усули экан.

Ҳозир айрим оналарнинг қизлари билан суҳбатларига келиннинг сепи, уй-анжомлари, кийим-кечаклари асосий мавзу бўлаётгани, баъзан келинларнинг хатолари, сепидаги камчиликлари оилада каттаю кичикнинг ҳузурида муҳокама қилинаётгани одамни ранжитади. Бундай гаплар ёш қизларнинг кўнглида ортиқча дабдабага, ҳашамга қизиқиш уйғотишини наҳотки улар англаб етишмаса?! Бир воқеани эслайман. Ҳамқишлоғимиз Мамлакатхон Маткаримова муаллимликка ўқиётганида қишлоғимизда унга ҳавас қилиб, ўқишга интилган, институтларга кириб кетган қизларимиз кўп бўлганди. Айтмоқчиманки, ўсаётган навниҳол қизалоқлар ҳар бир аёл, ҳар бир келин-қизнинг ишларидан ибрат олишини унутмаслигимиз керак.

Ҳикматхон аянинг гапида жон бор. 2000 йилдан буён адабиёт, маданият, санъат, фан ва таълим йўналишларидаги ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлаётган иқтидорли қизларимизнинг сони бугунга келиб 182 нафарга етди. Эндиликда юртимизда вояга етаётган ҳар бир қизнинг кўнглида ушбу мукофот эгаларига ҳавас ва интилиш бор. Уларнинг бари бир-биридан зукко, бир-биридан чечан, бир-биридан билимли ва оқила. Демакки, халқимизнинг тарбия борасидаги қадим қадриятлари замонавий шаклда қизларимизни юксак маънавият сари етакламоқда.

— Ота-онам болалигимдан кўнглимда санъатга ҳавас уйғотишган. Дадам менга ўйинчоқ дуторча олиб берганида, онамнинг ёш боладек қувонгани ҳалиям эсимда. Ана шу дуторчани чалиб, санъатга меҳрим тушди. Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлганимда онамнинг мен учун қилган меҳнатлари кўз олдимдан ўтган. Токи у билан учрашгунча юрагимни ширин бир титроқ тарк этмаганди. "Заҳматларингиз беҳуда кетмади, сизнинг қизингизни шундай юксак мукофотга лойиқ кўришди", деган сўзларни ичимда балки минг маротаба такрорлагандирман, — дейди Ўзбекистон давлат консерваторияси талабаси Шаҳноза Давлатова.

Ушбу мукофотнинг бу йилги совриндори Меҳриноз Абдуллаева эса бувижонларининг суҳбатлари туфайли кўнглида юксак орзулар бўй ростлаганини қувониб сўзлайди.

— Бувим Кимёхон муаллим (дадамнинг оналари) ғоят зукко, ёр-ёру лапарларнинг уста ижрочиси, тўқсон ёшга яқинлашган бўлсалар-да, Жалолиддин Румийдан, Машраб ва Бедилдан кўплаб мисраларни ҳозир ҳам ёд айтадилар. Болалигимдан Навоий, Фузулий, Машраб, Бедил ғазалларини бувимдан эшитиб, хотирамга муҳрлаганман. Муҳаррам бувим (онамнинг оналари) эса катта чевар. Тикувчиликка ҳавасим шундан. Мени таниганлар, бу қиз сўзсиз журналист ёки адабиётчи бўлади деб ўйлашади. Ҳатто газеталарда ҳам шундай фикрларни ёзишган. Мен эса шифокор бўлишни, ана шу касб ортидан дунёга чиқишни орзу қиламан. Энг нуфузли анжуманларда, халқаро давраларда етакчи мутахассислар билан бир сафда туришни истайман.

Мен сўзимни алланинг сирли оҳанглари таърифидан бошлагандим. Бу қадим қўшиқни оналарнинг орзу-ўйларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Она юксак маънавиятли, кенг фикрли бўлсагина, алланинг замиридаги эзгу ниятлар фарзандларнинг жон томирига етиб боради. Юксак тараққиёт йўлидан бораётган юртимизнинг бугунги оналаридан ана шундай масъулият талаб этилади.

**Ҳамрохон МУСУРМОНОВА**

# "ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ"
## 2012 йил 2-сон

**Журналларни варақлаганда**

Мазкур илмий-маърифий журналнинг "Мустаҳкам оила йили"га бағишлаб чоп этилган шу йилги иккинчи сони муштарийлар қўлига етиб борди.



Таҳрир ҳайъатининг "Халқаро ҳамкорлик ва миллий манфаатлар" сарлавҳали бош мақоласида Ўзбекистоннинг 1992 йил 26 февралдан Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотига (ЕХҲТ) аъзо сифатидаги фаолияти хусусида фикр юритилиб, ҳозирги вақтда мамлакатимизда мазкур ташкилотнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамиятни демократлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш, қонун устиворлигини таъминлашга қаратилган 30 та лойиҳаси амалга оширилаётгани атрофлича таҳлил этилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Бўритош Мустафоевнинг "Мустаҳкам оила — жамият барқарорлигининг асоси" сарлавҳали мақоласида "Мустаҳкам оила йили" давлат дастурида белгиланган вазифалар юзасидан амалга оширилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратилиб, 2011 йилда Олий суд томонидан никоҳдан ажратиш бўйича кўрилган ишлар умумлаштириб таҳлил этилган. Маълум бўлишича, оилаларнинг бузилишига 1039 ҳолатда эркакнинг спиртли ичкилик истеъмол қилиши, 114 ҳолатда эркакнинг гиёҳвандлик моддасига ружу қўйиши, 6338 ҳолатда эса оилавий ҳаётга қайнона, қайнота ва бошқа шахсларнинг аралуви сабаб бўлган экан. "Низолашаётган эр билан хотинга ўз вақтида тўғри маслаҳат берилса, уларни қийнаётган муаммонинг ечимини топишга кўмаклашилса, умуман айтганда, оиланинг тўғри йўлга тушиб олишига таянч ва суянч бўлсак, ўйлайманки, бундай оила яна аҳил-иноқ яшаб кетади. Айниқса, бундай низоли иш юзасидан хусусий ажрим чиқарган судья ушбу ҳужжатнинг тўлиқ ижросини назорат қилиши талаб этилади", деб ёзади муаллиф. Мақолада фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш идоралари ва хотин-қизлар қўмиталари ходимлари ҳамкорлигида олиб бориладиган тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш зарурлиги таъкидланиб, бугунги кунда ФҲДЁ идоралари қошида фаолият кўрсатаётган "Ёш оила дорилфунуни", "Ёш оила қурувчилар мактаби" каби ўқув машғулотларининг аҳамиятига ҳам урғу берилган.

Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист Хожабой Кабуловнинг "Оила мустаҳкамлиги — мустақил давлат, очиқ демократик жамият ва суд ҳимоясида", юридик фанлари номзоди Раъно Турдибоеванинг "Ёшларда ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда оиланинг роли" каби мақолаларида миллий менталитетимиз негизини ташкил этадиган, бошқа миллат оилаларидан ажратиб турадиган қадриятларимиз моҳияти, оила муҳитида шаклланиб, ёшлар онгига сингдириб бориладиган миллий маънавий меросимиз билан боғлиқ анъаналар баркамол авлодни вояга етказишда, мустаҳкам оилани шакллантиришда беқиёс аҳамият касб этиши таъкидланади.

Юридик фанлари доктори, профессор Акмал Саидовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллиги олдидан эълон қилинган "Мустақил, суверен ва демократик Ўзбекистоннинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори" сарлавҳали мақоласида Конституциямиз Ўзбекистон халқининг иродаси, руҳи, ижтимоий онги ҳамда маданиятини акс эттириши, Конституция бўлимларида муҳрланган тамойил ва қоидалар ҳақида сўз юритилади.

Шунингдек, журнал саҳифаларидан халқаро ҳуқуқ ҳамда инсон ва ҳуқуқ масалаларига доир қизиқарли мақола ва тадқиқотлар, тақризлар ҳам ўрин олган.

# ХОТИРА КЕЧАСИ

Ўзбекистон халқ артисти, "Буюк хизматлари учун" ордени соҳиби Комилжон Отаниёзовнинг 95 йиллигини муносабати билан Урганч шаҳар Огаҳий номидаги вилоят мусиқали драма театрида хотира тадбири бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон халқ ҳофизи Фарҳод Давлетов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Раҳматжон Қурбонов, Ўзбекистон халқ бахшиси Қаландар Норметов ва "Мақомчилар" республика кўрик-танлови ғолиби Азамат Отажонов устоз ижро этган ашулалардан айтдилар.

Шовот тумани К.Отаниёзов номидаги маданият ва истироҳат боғида ҳам устознинг шогирдлари катта концерт дастурини намойиш этишди.

**Озода БУРХОНОВА**

# ШЕЪРИЯТДА БАДИИЙ СИНТЕЗ



**Шеърият ва рангтасвирнинг ўзаро алоқалари узоқ ўтмишга бориб боғланади. Қадимги юнон шоири Симонид рангтасвирни "соқов шеърият", шеъриятни эса "сўзловчи тасвир", деб атаган эди. Абу Наср Форобий "Фозил одамлар шаҳри" рисоласида шеър санъати хусусиятлари ҳақида сўз юритаркан, шундай ёзади: "... бу санъат аҳли билан (уйга) нақш солувчи рассом санъати ўртасида қандайдир муносабат бор. Булар иккаласининг санъатдаги моддаси турли-туман бўлса ҳам, аммо шаклда, яратилиш ва мақсадларда бир-бирига мос келади. Бу шундайки, шеър санъатини безайдиган нарсалар — сўз-мулоҳазалар бўлса, рассомлар санъатини безайдиган нарса — бўёқлар саналади".**

Шарқ мумтоз мусиқаси, миниатюраси ва бадиий адабиётининг ифодавий хусусиятларини кузатар эканмиз, бу санъатларнинг ўзаро муштарак алоқадорликда ривожланганини кўрамиз. Мумтоз мусиқани аруз вазнисиз, миниатюрани эса бадиий асарларсиз тасаввур этиб бўлмагани боис, Шарқда бу санъатларнинг нафақат бадиий-ғоявий жиҳатдан, балки ифодавий хусусиятлари жиҳатидан ҳам кучли синтетик муносабатда бўлганлиги яққол сезилиб туради.

Мумтоз адабиётнинг бадиий хусусиятлари ҳақида сўз юритилганда ифодада таъриф, тавсифнинг устуворлиги таъкидланади. Мумтоз санъаткорлар борлиқни ташқи кўринишлари билан тасвирлаш тамойилларига жиддий аҳамият бермаганлар. Бу санъаткорнинг оламга объектив эмас, кўпроқ субъектив тасвир асосида ёндашуви натижасидир. Албатта, ўша давр эстетик идеалининг хос хусусиятлари санъаткордан шу каби ифодани "талаб қилган". Чунки бу давр эстетик қарашларининг бирламчи ҳақиқати сифатида дунёнинг фоний эканлиги таъкидланиб, санъаткор учун чинакам, ягона гўзаллик олам ва одамнинг ботини ҳисобланган. Лекин бу мумтоз адабиётда объектив тасвир бўлмаган, дегани эмас:

**Агар на абр лифоф аст бахри хиргаҳи чарх,**
**Зи тори қатра чаро ҳар тараф кашид таноб?**

(Мазмуни: Агар чарх чодири булутлардан ёпинчиқ — жилдини олмаганда эди, қатралар торидан (томчилардан) ҳар тарафга иплар тортармиди?)

Алишер Навоийнинг форсий тилда битилган "Фусули арбаа" қасидалар мажмуасидан олинган юқоридаги байтда табиатни чин муссавиррона тасвирлашга бўлган ҳаракатни ва лириканинг рангтасвир санъати имкониятлари билан бойитилганини кўрамиз. Дарвоқе, ушбу қасидалар тўлалигича табиат манзаралари тасвирига бағишланган.

Кейинги даврда визуал санъатларнинг ривожи, фотография ва кинематография каби соҳаларнинг юзага келиши, одамлардаги кўриш воситасида олинадиган эстетик озуқа аҳамиятининг ортишига сабаб бўлди. Бу жараён бошқа тур санъатларнинг ифодавий тамойилларига таъсир этмай қолмади. XX аср бошларида янгиланган адабиётимиз нафақат шаклдаги ўзгаришлар, балки ифодада тасвирнинг жонлангани билан ҳам бўй кўрсата бошлади. У.Носир, Ойбек, Миртемир, Ҳ.Олимжон каби шоирлар ўз асарларида ўқувчини сўз маънолари билангина эмас, балки нигоҳлар воситасида ҳам таъсир ўтказишни мақсад қилганлар:

**Қуёш оғди уфқдан,**
**Бир тўплам олов сочин**
**Илиб қолди ўрмонлар...**

**Узоқликларда шу он**
**Секин ёзди қанотин**
**Мовий, майин туманлар.**

Ойбекнинг "Онлар" номли шеъри тўлалигича табиат тасвирига бағишланган.

Умуман, шоир ижодида бундай асарлар жуда кўп. Шеърни ўқиркансиз реал кўринишдан кам фарқланувчи, кўпроқ таъсирлантирувчи манзара кўз олдингизда намоён бўла бошлайди. Чунки бу — манзаранинг асл кўриниши эмас, балки объект уйғотган таассуротлар йиғиндисидир. Айни шу жиҳатлари билан Ойбек "чизган" манзараларни Европада XIX аср ўрталарида юзага келган импрессионизм йўналиши вакиллари: Моне, Ренуар, Ван Гог асарларига қиёслаш мумкин. Зеро, импрессионист мусаввирлар ҳам объектдан олинган лаҳзалик таассуротни, яъни бир қарашда илғаган, ҳали онгда англашилиб улгирилмаган манзарани тасвирлашга ҳаракат қилганлар.

Ўзбек шеъриятининг кейинги давр вакиллари ижодида бу бадиий синтезнинг энг гўзал намуналарини учратишимиз мумкин. А.Орипов, Р.Парфи, Ш.Раҳмон, Х.Даврон ва У.Азим каби шоирлар шеърларида объектнинг бир мунча реал ва жонли тасвирини кўрамиз. Абдулла Ориповнинг қуйидаги мисралари бунга далил:

**Еллар ҳам уйғонди ишқалаб кафтин,**
**Офтоб ҳам юксалди — тик келар қуёш.**
**Тоғлар ҳам юк таплаб кўтарди кифтин,**
**Безавол майса ҳам силкитади бош.**
**Тарновлар бўғзида лола ҳам кўркам,**
**Терак учларида изғир мавжудот.**
**Ҳаттоки туйғусиз, чирик хазон ҳам**
**Яшил пўпанакдан боғлабди қанот.**

Тасвирий санъатлар ва бадиий адабиётнинг алоқаларини хронологик жиҳатдан кузатсак, барча даврларда иккисининг ҳам объектга нисбатан тасвирлаш тамойиллари деярли бир хил бўлгани кўринади ва бу табиий ҳолдир. Айтайлик, классицизм даври мусаввир ва шоири ифодасида тавсиф етакчилик қилган бўлса, кейинги даврлар тасвирида реалистик хусусиятлар жонлангани сезилади. Санъатдаги яна бир катта, модернизм йўналишлари тасвирий ифодасида ҳам ана шу мутаносибликни кўриш мумкин:

**Из тушмаган қордек**
**қуёшгача ёйилиб кетди тонг,**
**дарахт шохлари бўртиб кўринар,**
**қуш қаноти кўмилиб қолган —**
**ёқут уфққа туташади ҳарир гилам.**
**Гиламнинг устида**
**ундан ҳам ҳарирроқ туман,**
**совуқ юлдузчалар қолдиғи,**
**юлдузчада тилларанг ҳошия.**
**Тўйиб нафас ол**
**шаффофлик хира торттунча.**
**(Дум-думалоқ нафас**
**Юлдуз қиррасида титрар).**

Баҳром Рўзимуҳаммаднинг "Тонгги манзара" шеъри машҳур модернист мусаввирлар Пабло Пикассо, Салвадор Дали чизган суратларни ёдга солади. Яъни шеър матни ифода этаётган тасвир кўз олдингизда гавдаланаркан, бир мунча абстракт, пароканда ва совуқ манзарани кўра бошлайсиз.

Шоир ўзининг "Чўлпон — тонг юлдузи демак" номли китобида санъатларнинг ўзаро якдилликда талқин қилиниши, ҳис этилиши ҳозирги давр модерн шеъриятининг тушинилишида асосий калит эканлигини айтиб ўтади. Албатта, кейинги давр бадиий адабиёти нафақат ички тамойиллар, балки бошқа турдаги санъатлар билан кучли синтез асосида вужудга келмоқда. Дейлик, Фахриёрнинг "Геометрик баҳор" номли шеъри адабиётимиз учун янги ҳодиса бўлгани ҳолда бадиий синтезнинг ёркин намунасидир. Бу асарни рангтасвирнинг модерн йўналишлари билан таққосламай тушуниб бўлмайди. Боиси, худди шундай асарлар Европада ўтган аср бошларида урф бўлиб, шоирлар ифодада геометрик шакллар устуворлик қилувчи фовизм, кубизм каби йўналишларга тақлид қилганлар ёки ўша давр эстетик қарашлари барча санъат аҳлига бирдай таъсир ўтказган. 1918 йили "Каллиграммалар" номли тўпламини эълон қилган француз шоири Гийом Аполлинер график шеърларга таъриф бераркан: "Бу санъатнинг имкониятлари жуда катта, биз унда рангтасвир ва мусиқанинг синтезини кўришимиз мумкин бўлади", деб ёзади (Рычкова Ю.В. Энциклопедия модернизма. — М., 2002).

Икки санъат ўзаро муштараклигининг илмий жиҳатдан ўрганилиши тарихи узоқ эмас. Бу борадаги илк тадқиқот XVIII аср охирларига келиб француз маърифатпарвари Лессингнинг "Лаокоон" асарида ўз аксини топса-да, бадиий синтезнинг чин маънодаги жиддий ўрганилиши XX асрга тўғри келади. Ўзбек адабиётшунослиги учун бадиий адабиёт ва тасвирий санъат ўртасидаги синтез очилмаган қўриқ. Лекин биз ҳозирда санъат асари дея қабул қилаётган шеъриятимиз ва насримиздаги ўзига хос ифодавий хусусиятларнинг илдизлари қаерда? Бу бадиийликни аксарият кишилар қалби ва онгида бирдай гавдаланувчи, эстетик ядроси — жавҳарига эга бўлган анъанавий образлиликдан фарқи нимада? Санъатнинг бошқа турларида ҳам айнан шунга ўхшаш ҳодисалар кузатилаётгани йўқми? Назаримизда, шу каби масалалар бугунги кунда тадқиқотчилар эътибори марказида бўлиши керак.

**Саъдулло ҚУРОНОВ,**
**ЎзМУ магистри**

# ИСТИҚБОЛДАГИ ВАЗИФАЛАР

**Таржима — юксак санъат**



**Ҳозирги таржимачилик ва бадиий таржима масаласида гап кетганда, аввало, бу соҳада анча салмоқли ишлар амалга оширилганини эътироф этиш керак.**

Жаҳон адабиётининг йирик намояндалари Ж.Жойс, Ф.Кафка, Ф.Ницце, Г.Маркес, Ҳ.Ҳессе сингари ёзувчиларнинг бетакрор асарлари кейин ўн йилликда она тилимизга маҳорат билан ўгирилгани ўзбек таржимонларининг ижодий меҳнат юксак эътироф ва эътиборга лойиқ эканини кўрсатиб турибди. Айниқса, "Улисс"дек услуб ва структурал жиҳатдан мураккаб асарнинг таржима қилинишини ўзига хос воқеа, дейиш мумкин.

Аммо бадиий таржима соҳасида эришилган бу ютуқлар билан қаноатланиб қолмай, жаҳон адабиёти ва фалсафий тафаккурида юз бераётган янгиланиш ва бетакрор изланишлардан кенг бохабар бўлиш, уларни янада изчиллик ва жадаллик билан она тилимизга таржима қилишни ҳозирги тезкор давр тақозо этмоқда.

Ҳар бир халқни, биринчи галда, унинг адабиёти дунёга танитади. Маданий, адабий мероси бой халқларнинг жаҳон танийдиган, севиб ардоқлайдиган адибу шоирлари бисёр. Жаҳон адабиёти хазинасига француз адабиётининг қўшган ҳиссаси эса, ҳар жиҳатдан эътирофга лойиқ. Стендаль, Бальзак, Мопассан, В.Гюго, Ж.Верн, Г.Флобер, Э.Золя, Сартр, А.Камю сингари ёзувчилар яратган асарлар жаҳон бадиий тафаккури ва маданиятининг юксак намуналари сифатида дунё халқлари адабиёти тарих саҳифаларидан муносиб жой олган. Мамнуният билан таъкидлаш жоизки, бу адибларнинг асарлари аллақачон ўзбек китобхонларининг маданий-маънавий мулкига айланган. Ўтган асрнинг 40 — 50-йилларидаёқ атоқли таржимонларимиз француз адабиётининг йирик асарларига мурожаат қилиб, Ж.Верн, А.Стил романлари, Э.Золя ва Мопассан ҳикоялари, Ш.Перро эртаклари билан ўзбек китобхонини таништиришга эришгандилар. Шунингдек, Д.Дидро, В.Гюго, В.Доде асарларидан парчалар ҳам таржима қилиниб босилди. Моҳир таржимонлар О.Шарафиддинов, Қ.Мирмуҳамедов, И.Ғафуров, С.Кароматов, Ҳ.Тўрабеков, Х.Зиёхонова, С.Муҳаммаджонов, М.Маҳмудов ва бошқа ижодкорларнинг машаққатли меҳнатлари самараси ўлароқ, француз адибларининг жами бўлиб 15 та романи, 20 дан ортиқ новелла ва бир қатор шоирларининг шеърлари таржима қилинди. Жумладан, Сент-Экзюперининг "Кичик шаҳзода", Стендал, Мюссе ва П.Мерименинг новеллалари ўзбек тилида чоп этилди. В.Гюгонинг "Денгиз заҳматкашлари", Бальзакнинг "Евгения Гранде", "Горио ота", А.Дюманинг "Уч мушкетёр", "Граф Монте-Кристо", Мопассанинг "Азизим", Г.Флобернинг "Бовари хоним", П.Мерименинг "Карл IX салтанатининг йилномаси", Стендалнинг "Қизил ва қора" романларининг таржимаси амалга оширилди. 80-йилларга келиб, Э.Золянинг "Ҳамал", Стендалнинг "Парма ибодатхонаси", Бальзакнинг "Сағри тери тилсими", "Гобсек", Ж.Сименоннинг "Комиссар Мегрэ" ва бошқа талайгина француз адиблари асарлари ўзбек тилига ўгирилди.

Бироқ бу асарлар аслиятдан — бой ва сержило француз тилидан эмас, балки билвосита рус тилидан таржима қилинган. Ачинарли жиҳати шундаки, инглиз, немис, рус, ҳинд, турк, араб тилларидан тўғридан-тўғри таржималар амалга оширилаётган бир пайтда бевосита француз тилидан қилинаётган таржималар озчиликни ташкил қилади. Аммо мустақиллик даврига келиб, бу масалада ҳам ўзгаришлар рўй берди. Лафонтен, Бальзак, В.Гюго, М.Дрюон, Г.Флобер, Ш.Бодлер, Ж.Семинон, А.Моруа, А.Прево, Ф.Саган сингари адибларнинг асарлари таржимаси рус тили ёрдамида амалга оширилган бўлса, Ш.Миноваров Ф.Мориакнинг "Илонлар чангалида" китобини Ле Клезионинг бир неча ҳикояларини, М.Холбеков Вольтернинг "Задиг ёки тақдир", "Соҳибқирон Амир Темурнинг Европа қироллари билан ёзишмалари" асарларини, Б.Эрматов Мопассан ва Э.Даби новеллаларини, А.Кўчибоев П.Мерименинг "Коломба" новелласини, Ш.Ботирова Жак Превер шеърларини, А.Асқаров А.Труайя ҳикояларини бевосита француз тилидан она тилимизга таржима қилишди. Лекин бу кўрсаткични қониқарли, деб бўлмайди, албатта.

Тўғри, юртимизда француз тилини мукаммал биладиган мутахассислар талайгина. Улар тил ва адабиётдаги энг сўнгги ютуқлару янгиликларни, француз адабиётидаги ҳозирги жараёнларни кузатиб борадилар. Аммо тил билишнинг ўзи таржимон бўлиш учун кифоя қилмайди. Муаммо шундаки, дейлик, талаба ўз мутахассислигига доир тилларни қанчалик пухта эгалламасин, токи шу тил даражасида ўз она тилини билмас экан, таржимачиликда муайян силжишга, кўзга кўринадиган муваффақиятга эриша олмайди. Таржимон бўлишга интилган талаба эса, жаҳон адабиёти тарихи, ҳозирги замон адабиёти билан параллел равишда ўзбек мумтоз адабиёти, ҳозирги адабий жараёндан пухта сабоқ олиши лозим. Шунда унинг бадиий савияси шаклланишига, икки халқ тили ва адабиётини қиёсий аспектда кузатишига имкониятлар пайдо бўлади.

Назаримизда, таълим тизимида шундай бир тажрибага уриниб кўрилса ёмон бўлмасди. Масалан, талабаларга бир ўқув йили давомида ўзбек адибларининг ҳажман кичикроқ бир қисса ёки публицистик асарини француз тилига ( ёки хоҳлаган хорижий тилга) таржима қилиш ва, ўз навбатида, француз адибларининг ихчамроқ жанрдаги асарларидан ўзбек тилига таржима қилиш вазифаси юкланса. Бу вазифанинг уддасидан чиққан талабаларнинг ижодий меҳнатлари республика адабий нашрлари орқали эълон қилиб борилса, талабаларнинг билим ва тажрибалари ошарди, самарали натижаларга эришиш мумкин бўларди, деб ўйлаймиз. Бу тажрибани чет тили ўқитиладиган ўқув муассасаларида амалга ошириш мумкин. Чунки бадиий асар таржимасини эгаллаган кадрлар келажакда ўз соҳалари бўйича юзага келадиган ҳар қандай муаммони осонликча ҳал этишлари учун яхшигина тажрибага эга бўладилар.

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, ўтган XX аср француз — ўзбек таржимачилигида истиқболли ижодий ишлар амалга оширилди. Ҳозирги глобаллашув даврида бу кўрсаткичларни янада оширмоқ даркор. Бевосита таржималарнинг сон ва сифатини, изчиллигини таъминлаш, бу ишга ёш таржимонларни жалб қилиш лозим.

**Маҳмадиёр АСАДОВ,**
**магистрант**

**Тадқиқот, ахборот**

# СОҲИБ ТАСНИФ

**Бошланиши биринчи саҳифада.**

Халқ орасида "Калила ва Димна" асарига қизиқиш жуда кучли бўлганлиги сабабли тошбосма матбааларда илгари ҳам бир неча бор бу китоб нашр этилган. Ношир ўтган нашрлар билан танишиб, асарнинг қайси нуқталари халқ учун қийинчилик туғдираётганини ҳисобга олади ва ҳошияларда мураккаб жумлаларнинг изоҳини беради, шарҳлайди. Ўзи китоб тожири бўлганлиги учун китобнинг тезроқ сотилишини, харидоргир бўлишини ҳам кўзлайди.

Бу каби маълумотлар Мир Маҳдум шахси ва фаолиятининг айрим жиҳатларига ойдинлик киритади ва у адабиётдан хабардор билимдон ношир, илм-маърифат тарғиботчиси, саховатпеша ҳомий сифатида гавдаланади.

Ўша фондда сақланаётган "Куллиёти маснавийи Хароботий" асарининг тошбосма нусхаси ҳам Мир Маҳдум ҳомийлигида ва ноширлигида амалга оширилган. 200 саҳифадан иборат китоб 1909 йилда Тошкент шаҳри Ғулом Ҳасан Орифжонов матбаасида нашр этилган.

Ғулом Ҳасан Орифжонов матбааси Тошкент шаҳрининг энг нуфузли матбааларидан ҳисобланиб, баъзи китобларда "Ғуломия", "Орифжонов", "Ғ.Ҳ.Орифжонов", "Паровая литография Арифджанова" шаклларида ҳам ёзилган. Эътибор берилса, Мир Маҳдум ҳомийлигида тайёрланган китоблар ҳам шу матбаада нашр этилган. Китобни нашр учун кўчирган котиб Мулло Маҳмуд Сайидхон асар сўнггида, 199-саҳифа охирида Мир Маҳдумга атаб ажойиб шеър битади:

**Соҳиб тасниф эрди хуш зоти,**
**Ҳаққа маълумдур анинг оти.**
**Тилида эрди зикри оллоҳ,**
**Дилида доим муножоти.**
**Ҳар таманно учун киши бор эса,**
**Чиқар эрди қошида ҳожати.**
**Муҳтамим табъ торихисига деди:**
**Билингиз жами харажати.**

"Соҳиб тасниф" дея таърифланиши Мир Маҳдумнинг асарларни таҳрир, тасниф қилиб, шарҳлар билан тартиб берувчи ношир сифатида донг чиқарганини англатади.

Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейида сақланаётган "Девони Қорий" китоби ҳам Мир Маҳдум томонидан Ғуломия матбаасида 1906 йилда нашр этилган. Бу даврда баёзлар тузиш ва нашр эттириш анъана тусига киргани маълум. Мир Маҳдум ҳам баёзларнинг нашр этилишига ҳомийлик қилади. Айрим китобларга бевосита ноширлик ва ҳомийликни ўзи олиб борган бўлса, баъзи асарларнинг фақат нашр этилиши билан боғлиқ сарф-харажатларни ўз зиммасига олган. "Баёзи Мухаллий" асари ҳам Мир Маҳдум ҳиммати билан нашр этилади. Баёзда 29 та шоирнинг шеърлари жамланган.

Нашр сифати олий даражада. Тошбосма асарлар тарихида бу каби ноёб ишланган китоб камдан-кам бўлган. Ҳар бир саҳифа зарҳалланган, катаклар ичига қия ҳолатда мисралар жойлаштирилиб, очиқ жойлар зарҳал билан безатилган. Кўринадики, Мир Маҳдум нашр учун катта маблағ ажратиб, унинг сифатли, қимматбаҳо бўлишини таъминлаган. Бу давр матбаахоналарнинг имкониятлари, шарт-шароитлари ҳақида Қ.Муниров, М.Ҳакимов, А.Бобохонов, Н.Абдуазизова тадқиқотларида тўлиқ маълумотлар берилган.

Умар Боқий томонидан қайта яратилган "Хамса" достонларининг насрий баёнлари Хислат томонидан нашр этилган бир вақтда Мир Маҳдум ўзбек адабиётида илк бора тўртта достоннинг ("Ҳайратул аброр"дан ташқари) байтма-байт, мисрама-мисра шарҳидан иборат насрий баёнини ишлаб чиқди ва услубига монанд тарзда "Насри Хамсаи беназир", деб номланади. Китоб ҳажми 16,5х28 см. бўлиб, 352 саҳифадан иборат. Хат қаторлари 23 йўлни ташкил этади. Китоб 1908 йилда Орифжонов матбаасида нашр этилган. Хаттот Раҳматуллоҳ ибн Абдушукрнинг ўзи мусаввирлик вазифасини ҳам бажарган, китобга қиркдан зиёд сурат ишлаган.

Китобнинг титул варғида "Мир Алишернинг "Хамса" манзумаларидин наср тариқида дурафшонлиқ айлаб Мир Маҳдум бин Шоҳюнус эҳтимоми бирлан" дейилишидаёқ насрий баён муаллифи ҳам, ҳомий ҳам ўзи эканлигини таъкидлаб ўтган. Кириш қисмида ҳам бу яна бир бор қайд қилинади: "Ўтган азизлар арвоҳ таиббаларидин истионат ва ёру биродар ҳимматларидин онат тилаб, густоҳлик қилиб, китоб Хамсаи амир Навоий раҳматуллоҳнинг бўстонларини сайр қилиб, очилғон ранго-ранг гулларидин териб, назмнинг гириҳини ечиб, наср риштасиға тиздим".

Мир Маҳдум бу даврда тажрибали ижодкор, етук тасниф, таҳрир эгаси сифатида шаклланган шахс бўлган, Алишер Навоий ижодини насрий ифода қилиб, оммабоп шаклга келтириш унинг учун олий мақсад эди.

Мир Маҳдум насрий баёндан кўзлаган мақсадни қуйидагича ифодалайди: "Аммо аҳли доно ва аҳли расолар қиссаи маҳжуб ва ҳикояти марғубларидин баҳраманддурлар. Аммо ушбу замоннинг аксар одамлари саводхон фақат бўлуб назмнинг фаҳмидин ожиз ва бебаҳрадурлар. Шул жиҳатдин авомуннос ҳам баҳра олурмикин деб қосирона назмнинг наср тариқида бақадри тоқат баён қилдим" ("Насри Хамсаи беназир", 2-саҳифа).

Туркистонда китоб савдоси ва китоб тожирларининг фаолияти ҳақида маълумот берувчи илмий рисолаларда ҳам машҳур китоб тожирлари Сиддиқхўжа Хўжандий, Мулло Зуфар Шермуҳаммад, Мулла Мирзаахмад Мирзакарим ўғли, Ҳожи Абдуллоҳбек саҳҳофлар қаторида Мир Маҳдум номи ҳам учрайди. (Э.Ахунджанов. Очерки по истории книги и книжного дела в Средней Азии. 1993, 146—147-бетлар).

Хулоса қилиб айтганда, Мир Маҳдум халқимиз орасидан етишиб чиққан маърифат фидойиси, адабиёт ҳомийси, ўнлаб асарларни ўз эгалари — халққа етказишга хизмат қилган адиб, хаттот, лаввоҳ, ношир ва китоб тожири эди. Биргина Навоий достонларининг насрий нусхаларини яратиб, ўз маблағи эвазига нашр эттириб тарқатгани унинг кўп қиррали ижодкор эканлигини кўрсатади.

**Озода ТОЖИБОЕВА,**
**Низомий номидаги Тошкент педагогика университети тадқиқотчиси**

# АЛИСА МЎЪЖИЗАЛАРИ



**Жаҳон адабиётининг дурдона асарларида ўзига тортувчи оҳанрабо бор. Бу олам ошуфтасига айланган киши умр бўйи ундан айрилолмайди. Улардаги сирлилик, баъзи масалалардаги мавҳумлик қизиқишимизни янада оширади. Ҳали жавоби топилмаган саволлари, жумбоқлари адабиётшуносларни мулоҳазага, муҳокамага ундовчи, тинчини ўғирловчи масалалар жуда кўп. Шекспир шахсияти доир мавҳумликлар, Гомер ва унинг асарлари билан боғлиқ ноаниқликлар, эҳ-ҳе, санаб адоғига етиб бўлмайди уларнинг. Ҳатто кўҳна фолклор дурдонаси деб қаралган, кейинчалик айрим адибларнинг беқиёс ижод намунасига айланган эртаклар ҳам бундан мустасно эмас.**

Алиса ва у тушиб қолган Мўъжизалар мамлакати ва Кўзгу орти ўлкалари ёдингиздадир. Инглиз адиби Льюис Кэрролл қаламига мансуб бу икки асарни билмайдиган бола, ҳатто катта ёшдагилар ҳам кам топилса керак. Анъанавий эртакларга хос сюжет ва деталлардан, воқеа ривожи, тугун, хулосадан чекинилиб ёзилган бўлса-да, такрорланмас, фақат Кэрроллгагина хос услубда битилган бу асарлар жаҳон адабиёти дурдонасига айланиб улгурган. Г.Честертон таърифича, "Бу китобларсиз жентелменларнинг кутубхонаси тўлиқ бўлмайди ва улар бу китобларни ҳеч қачон жавонидан четга олиб қўймайдилар" (Г.К.Честертон "Льюис Кэрролл", М., 1985, 4-бет).

Бевосита Л.Кэрролл ижодий фаолияти ҳамда ҳаёт йўлини ўрганган адабиётшунослар орасида адиб бу икки асари билан нима демоқчи, деган масалада жуда кўп тортишувлар бўлган, баҳс-мунозаралар ҳали-ҳамон давом этмоқда. Жумладан, аслида бу икки асарнинг қайси жанрга мансублиги масаласи ҳам Кэрролл ижоди билан боғлиқ мунозарали мавзулар сирасидан.

Аксарият нашрларда уларнинг жанри эртак, деб ёзилган. Бироқ атрофлича ўйлаб кўрилса, Кэрролл эртаклари сиз-у бизга таниш эртаклардан мутлақо фарқ қилади, чунки уларда фолклорнинг эртак жанрига хос қолип бузилган. Воқеа Алиса исмли қизчанинг Мўъжизалар мамлакатида кўрган-кечирганлари ҳақида борса-да, буни ёзувчи туш мотиви асосида тасвирлайди. Яъни бутун бир асар тушда кечган ҳодисаларга асосланади. Нега ёзувчи айнан тушдан фойдаланган, деган масалага эса Л.Кэрролл ҳаёти, ижод йўлини тадқиқ этган адабиётшунос Н.Демурованинг қуйидаги фикрлари бироз ойдинлик киритади: "Анъанавий эртак қоидаларини бузиш воситаси сифатида Кэрролл тушдан фойдаланган"(Н.М.Демурова, "Льюис Кэрролл. Очерк жизни и творчества" М., "Наука", 1979, 146-бет). Бундай изоҳ ушбу асарларни эртаклар қаторига киритишга изн бермайди.

Бу икки асарни фолклордан ажратиб турувчи яна бир жиҳати уларнинг ечимида кўзга ташланади: Алиса одатдаги эртаклардагидек на улкан бойликка эга бўлади, на боқий ҳаётга ёки бахт-саодатга эришади. Эртак Алисанинг шунчаки уйғониб кетиши билан якунланади. "Мўъжизалар мамлакати"нинг бошланиш қисми анъанавий эртакларга озми-кўпми ўхшаб кетса-да, ечим қисмининг ноанъанавийлиги боис фолклор услубидан мутлақо фарқ қилади,– деб ёзади Н.Демурова. – Халқ эртакларига хос оқибатга асосланган эпизодларга "Мўъжизалар мамлакати"да риоя қилинмайди".

**Жаҳон адабиёти тажрибалари**

Бу асарларда фолклор элементлари умуман учрамайди, деб ҳам қатъий айтиб бўлмайди. Ҳар бир миллат адабиёти илдизлари ўз миллий фолклоридан озиқланади, албатта. Кэрроллнинг иккала эртаги ҳам бундан мустасно эмас. "Фолклор ҳамма нарсани остин-устун қилади: каттани кичикка, кичикни каттага, иссиқни совуққа, совуқни иссиққа айлантира олади" (Н.Демурова). Кэрролл фолклорнинг айнан шу хусусиятидан унумли фойдалаган. Фолклорнинг тизгинсизлиги, ҳаётий меъёр, чегаралардан холилиги Кэрроллга қўл келган. У ўз ғояларини мана шундай хаёлий дунёда амалга оширади ва ўз оламини яратади. Эҳтимол, фолклордаги хаёлийлик, фантазиянинг кенг қулоч ёйиши каби хусусиятларнинг бу асарларда ҳам мавжудлиги уларнинг эртак дейилишига сабаб бўлгандир. Қолаверса, адиб халқ оғзаки ижодиётидаги айрим персонажлар, халқ қўшиқлари, мақол, маталларга ҳам ўрни билан мурожаат этган. Бу ҳам унинг асарларини фолклор билан боғлайди. Ади-Бади, Биршохли, Арслон ёки Валетнинг суд қилиниши воқеалари айнан инглиз фолклорининг мулки. Кэрролл улардан усталик билан фойдаланган, яъни уларни ўз асарларига сингдириб юбора олган. Баъзи ўринларда мазкур персонажлар вазифасини ўзгартирган. Хуллас, ёзувчи уларни ўз оламига шундай маҳорат билан олиб кирганки, бутун жаҳон адабиёти ихлосмандлари бу каби персонажларни фолклорнинг эмас, балки фақат Кэрроллнинг қаҳрамонлари ёки Мўъжизалар мамлакати ва Кўзгу орти ўлкасининг фуқаролари сифатида танийди, билади.

Бу асарларга хос яна бир ғайритабиийлик улар ёзилган услуб билан боғлиқ. Кэрролл асарларини нонсенс услубида ёзилганлигини инобатга оладиган бўлсак, асарлар жанридаги тафовутлар, мунозарали масалалар ўринлидек туюлади. Чунки нонсенс шундай адабий услубки, унда телба-тескарилик устун, ҳаётий масалалар хаёлий воқеалар орқали акс эттирилади. Нонсенс услубига инглиз адабиёти мулки, деб қарашади. Бу услубда, асосан, икки йирик адиб Л.Кэрролл ва Э.Лир ижод қилишган. Шу боис, дастлаб уларнинг асарларини тушуниш, қабул қилиш қийин бўлган. Н.Демурова нонсенсга таъриф берар экан шундай деб ёзади:"Нонсенс оддий ҳаётни тескарисига ўгириб кўрсатади, лекин бу нонсенс маънисизлик дегани эмас, аксинча, бу жанрда яширин ички маъно бор, "nonsense"да ҳам "sense" бор. Бироқ бу маънони ҳамма ўзича талқин қилади". Шу нуқтаи назардан келиб чиқсак, Л.Кэрролл асарларни эртак ёки эртак эмас, деб қатъий хулосага келиш ножоиз туюлади. Зеро, нонсенс услубидаги асарлар ҳақида аниқ-тиниқ хулосага келиш мушкул, чунки бу услубдаги асарларни ўқиган китобхон ўз дунёқараши, савиясидан келиб чиқиб уларни тушунади, қабул қилади. Г.К.Честертоннинг Кэрролл асарларига берган қуйидаги изоҳини муайян маънода мулоҳазаларимизга хулоса ўрнида келтиришни маъқул кўрдик: "Бу асарлар болалар учун эртак, лекин улар бошқа аксарият эртаклар каби болалар ҳақида эмас, муаллифнинг тасаввури эртакни ёзиш жараёнида интелектуал инверсияга қараб силжиган. У мантиқ дунёсини тўнтарилган ҳолда кўради, бошқа дунёларга эътибор қаратмайди... у логарифм ва силлогизмларни нонсенсга айлантирган. Бу билан унинг услуби Рабленинг нисбатан маънилироқ нонсенси ёки Свифтнинг аччиқ нонсенсидан фарқ қилади. Кэрролл шунчаки Мантиқий Ўйин ўйнаган. Бу ўйиннинг янгилиги, ғалатилиги ва дунёдаги энг яхши ўйин эканлиги Кэрроллнинг буюк муваффақиятидир".

**Моҳира ОТАБОЕВА,**
**Ўзбекистон давлат жаҳон тиллар университети талабаси**

Зикрилла НЕЪМАТ

# ЮРАГИМГА ҚУВВАТ БЕРАР ЮРТ ҚУДРАТИ



Ватан учун яшайлик!

## ШУКРОНА

Кўкда қуёш жилмайиб дуторин чалиб турса,
Гулзорингда райҳонлар ифорин сочиб турса,
Сўзлашганда лабларинг чиройинг очиб турса,
Бу кунларга шукрона айтмай бўлурму, дўстим!

Айвонингда янграса қалдирғочлар навоси,
Тинчлик учун қўл очган боболарнинг дуоси,
Ният қилсанг, ушалса дилингнинг муддаоси,
Бу кунларга шукрона айтмай бўлурму, дўстим!

Фарзандларинг дунёни лол-ҳайрон айлаб турса,
Мадҳиямиз майдонлар узра жаранглаб турса,
Ўзбегим буюклигин кенг жаҳон англаб турса,
Бу кунларга шукрона айтмай бўлурму, дўстим!

Дўсту ёрларинг ҳар кун ҳолинг сўроғлаб келса,
Дилбандим, дея халқим дилдан ардоғлаб келса.
Келажак орзулари кўнглингни чоғлаб келса,
Бу кунларга шукрона айтмай бўлурму, дўстим!

Шундай азиз юртинг бор, севгил, тавоф айлагил,
Она халқинг меҳрига меҳринг жавоб айлагил
Эй Зикрилло, қалбингни элга офтоб айлагил,
Бу кунларга шукрона айтмай бўлурму, дўстим!

## ОНАМ ЁДИ

Тўлин ой-ла сўзлашдим тунда,
Нигоҳларим самода қолди.
Ой оқшомлар эртаклар айтган —
Онажоним ёдимга солди.

Кўкка қўлим чўздим-у бўзлаб,
Икки қўлим ҳавода қолди.
Ойдан онам сиймосин излаб,
Қалбим оҳу нидода қолди.

Қулоқ тутмай оҳларимга ой —
Қайларгадир аста йўл олди.
Эвоҳ, менинг ҳолим бўлиб вой,
Кўзёшларим афтода қолди.

Эсга олиб ёшлик сеҳрини
Кўзларимдан уйқу йўқолди,
Дилдан куйлаб онам меҳрини,
Соғинчларим садода қолди.

Тўлин ой-ла сўзлашдим тунда...

## МАНГУ ДАРС

Отам доим ғамим ерди,
Ўргатиб яшаш йўриғин:
— Унутмагил, болам, — дерди,
Бобонгнинг эски чориғин!

Етса ҳамки бошинг кўкка,
Нафс олдида тушма чўкка,
Шудур ҳақ йўлнинг йўриғи —
Бобонгнинг эски чориғи.

Дарвозамизда мисли туғ,
Турарди доим осиғлиғ,
Гўёки бордек ёруғи —
Бобомнинг эски чориғи.

Орадан кўп йиллар ўтди,
Қанча сувлар оқиб кетди,
Лек тинмади ҳеч довруғи —
Бобомнинг эски чориғин!

Айланиб гоҳ мен киборга,
Текканда бошим деворга,
Битказди манглай ёриғин,
Бобомнинг эски чориғи.

Ҳамон мени қўллаб турар
Огоҳликка йўллаб турар,
Қалб соғинчи, дил оғриғи —
Бобомнинг эски чориғи.

Узилмасин боғичи ҳеч,
Тарк этмасин соғинчи ҳеч,
Иймон қалъамнинг қўриғи —
Бобомнинг эски чориғи.

Отамнинг йўлу йўриғи,
Бобомнинг эски чориғи...

## ЎЗБЕКДИРМАН

Ўзбекдирман, юрагимда жўшар
меҳру вафоларим,
Дунёни лол этиб ўтган не-не буюк боболарим.

Ёв лашкарин ёлғиз ўзи енгтан
Широқ бобом менинг,
Ғанимларнинг додин берган
Тўмарисдек момоларим.

Ҳурлик дея, бошин дорга тиккан
қанча сарбадорим,
Она замин қучоғида ётар қанча фидоларим.
Алп қоматли Алпомишу
Жалолиддин авлодиман,
Еру кўкни тутгай менинг қалбимдаги садоларим.

Элим озод, юртим обод,
бундан ортиқ бахт бормикин,
Истиқлолнинг боғларидан эсар савту саболарим.

Ўзбекдирман — Эзгулик деб
йўлга чиққан зўр карвонман,
Мард Сарбоним фармонида
янграр дил муддаоларим.

То тирикман, юрагимга қувват
берар юрт қудрати,
Бахту иқбол баётидир Зикрилло,
бу наволарим.

## ЛОЛАЖОН

Тебранурсан дашту қирлар аро, лолажон,
Эй, гул юзи қирмиз, кўзи қаро, лолажон.

Ўйнашурсан майин эсган саболар билан,
Айлар нозу адоларинг адо, лолажон.

Жонингга қасд айлаб эсар беор шамоллар,
Шунданмикин юрак-бағринг яро, лолажон?!

Дерлар: гўзал санамларнинг шайдоси кўпдир,
Қўй, ўзингта берма бурча оро, лолажон!

Кўрган заҳот раҳм айламай юлиб кетурлар,
Ўз чиройинг бошгинангта бало, лолажон.

Капалакнинг умри янглиғ қисматинг ўйлаб,
Бошинг узра бўлдим қадди дуто, лолажон.

Балолардан асрагувчи паноҳинг бўлсам,
Кошки, кирсам жонгинангта оро, лолажон.

Тебранурсан дашту қирлар аро, лолажон...

## ШЕЪРИЯТ

*Сўз атомдан кучли*
*А.Қаҳҳор*

Шеърият! Мен сенга сиғиндим бу кун,
Сўзларнинг тафтидан қалбга чўғ солиб.
Ўзингни атомсиз қўриқлагувчи
Сен, ахир, давлатсан мағрур ва ғолиб.

Шеърият! Сен ўзинг гўзал диёнат,
Майли, сенда яшай каму кўст билан.
Шеърият! Мен сенга қилсам хиёнат,
Юрагим портлатиб юбор сўз билан.

Мен ҳам мағрурдирман, майли шоирмас,
Балки шеър яратгум бир тоза ҳисдан.
Шеърият! Хайрият сендайин шонли
Давлатнинг мен бахтли фуқаросиман.

## ЎЗБЕК БОЛАСИ

Орадан лаҳзадек ўтиб асрлар,
Аланга рангига кирди ҳажрлар.
Ўшанда дилида тугиб анжирлар,
Ҳур кўнгли ичида чўкди боланинг.

Бобосин қиличи қонга ботганда,
Тулпори муқаддас бўлди Ватанда,
Ўшанда кўк тоғлар сачраб ётганда,
Момоси кўзёшлар тўкди боланинг.

Хаёллар бегона хаёллар эди,
Сабоғи энг сохта зиёлар эди,
У диллар недан ҳам уялар эди,
Отаси онасин сўкди боланинг.

Ўзбекнинг тупроғи азиз хок энди,
Азалий ҳур эди, руҳи пок энди,
Бу озод ерларда озод боғ энди,
Исломни кўнглига экди боланинг!

Дўпписин кийганда боши омонлар,
Руҳларда ёришди тоза имонлар,
Имонга бош эгиб келди замонлар,
Боши ҳам эркликка тегди боланинг!

## СЕВГИ

Буғдойзордек шовулладинг,
Сомонинг бўлдим, севги.
Сен беғубор боласан,
Товонинг бўлдим, севги.

Сен барибир яхшисан,
Ёмонинг бўлдим, севги.
Сен маълумсан. Номаълум
Томонинг бўлдим, севги!

Шоди ОТАМУРОД



## ВА АЛАЙКУМ АССАЛОМ!

Ҳар куни йўлимга кўз тиккан қизнинг —
Дуч келиб қолганда бироз ҳаяжон
Ила пирпираган иккала кўзин
Тасвирлаб бермоқни эпларман қачон.

Мен шоир бўлмадим, мен битта нодон,
Мен севиб кулимга кўмилган чўғман.
Ҳамон чиқолмадим шеър хуморидан,
Ҳамон унга атаб ёзишга йўқман.

"Ассалому алайкум", "Бўпти, хўп, хайр"...
Тилимга калима кела қолмайди.
Саломга аликни билмаган шоир
Менимча, ёрга деб шеър ёзолмайди.

## НАЙ

Шунча, эзурмисан суякларимни,
Шунча хаёлларга бошлармисан, най.
Сезгандек дилимда демакларимни,
Шунча кўзларимни ёшлармисан, най.

Жисмингки, жажжидир сен бир таёқча,
Йилларки ўзингни қилурсан адо.
О, бағрим ўйиқ деб йиғлайсан мунча,
Сенмисан дунёда бир бахти қаро.

Узоқ асрларнинг теккан ўқлари,
Бағрингни ўйиғу тешик айлаган.
Балки сени йиртқич жонзот сингари
Олис тақдирларнинг ўзи талаган.

Ҳали яшамоқда умрлар оша
Сендайин кечмиши бисёр қуюқлар.
Агар сенинг бағринг ўйиқ бўлмаса,
Тинглашарми сени бағри ўйиқлар.

Сенинг фарёдларинг балки қайдадир
Унут хотиранинг кўксин ёргайдир.
Балки бу дунёнинг кемтик жойига
Сенинг нолаларинг етиб боргайдир.

Абдусаттор ҲОТАМОВ

# АЙҒИР КИШНАШИ

*Ҳикоя*

Бу йигит билан тасодифан учрашиб қолдик. Географлар денгиз сатҳидан фалон километр баландликда деб таърифлашади-ку худди шундай тоғ қишлоғидан икки ўғли билан ушбу оромгоҳнинг сув ҳавзасида чўмилишга келган экан. Барваста, икки елкасига икки ўтов тиккудай алп йигит...

Одам бундай кўнгил яйрайдиган жойларда янги таниш орттиради, телефону манзил алмашиб ўз-ўзидан иноқ бўлиб қолади. Қолаверса, ким биландир суҳбатлашиб кўнгил ёзишнинг ҳам ўз завқи бор-да. Танишимни ҳам, каминани ҳам худди шундай бир мойиллик чулғагандики, буни йигитнинг салом-алигиданоқ илғаш мумкин эди.

Камина ҳам албатта суҳбатдош топилганидан хурсанд бўлдим.

— Бу ерлар чорванинг макони экан-да, — дедим гапни нимадан бошлашимни билмай. — Қаранг, тоғу тошларда қўй-қўзию, моллар ўтлаб юрибди. Оёғи бўш, мазза қилиб. Худди расмга чизгандег-ей...

Йигит ҳам шу гапимни кутиб турган экан чоғи менга қараб тўлқинланиб гапира бошлади:

— Фақат сиз отларни кўрмаяпсиз-да. Улар бундан-да баланд жойларни ёқтиришади. Ў-ў-ў, бошқача жонивор улар! — Кейин қийиқ кўзларини юмиб, завқ билан бош чайқади. - Зийрак, ақлли. Садоқатда унга тенг келадигани йўқ. Лекин йилқи зоти барибир озод юрганидагина гўзал бўлади-да.

Суҳбатдошим билан гапимиз қовуша бошлаганидан баттар хурсанд бўлиб:

— Садоқат дейсизми? Нима шоир-поир эмасмисиз, ука? Тўғриси, отларнинг садоқати ҳақида кам эшитганман, қолаверса буям бир жонивор-да. — дедим бироз таажжубу ҳазил аралаш. Ва беркитмайман, кўнглимнинг бир чеккасида унинг давом этишини истардим.

— Оз бўлсаям эшитган экансиз-ку, унда нега ажабланасиз? — суҳбатдошим кутилмаганда аччиқлангандек гапирди.

— Саволингизда мантиқ бор, — бўш келдим бироз ва йигитни кузата бошладим. У эса ҳавзанинг темир тўсиғига кўкрагини босганча сувга тикилиб қолди. Хипча, лекин чайирлиги шундоқ билиниб турган гавдасига мос узун бармоқли қўли билан қувур устунни аста шапиллатиб урар, афтидан, ниманидир ўйларди. Кейин менга илкис ўгирилди:

— Биласизми, ака, мен от жиннисиман. Атиги биттасини боқаман. Лекин отмисан от! Қорабайир. Ишонасизми, ўтган йили машинага алмашмадим. Йигит от сотмайди, дер эди кексалар. Садоқатли дўст-да. Алдашни билмайди, елпатаклик қилмайди. Мағрур ва тик қомат. Бундан ортиқ тағин менга нима керак. Ҳеч нарса! Отлар ҳақидаги китобларни ўқишни яхши кўраман. Зўр-да! Ахир тулпорлар... Ў-ў, боболаримиздан мерос... Нега индамайсиз, ё гапларим ёқмадими?

Йигитнинг бироз зарда аралаш таънаси менга тегиб ўтди:

— Э, оғайни, — дедим ўзим билмай муштларимни тугганча, — нима, мени бирор олифтага ўхшатаяпсанми? — Кейин шошиб хатомни тузатдим, - ўхшатаяпсизми? От билан бошимдан ўтказган воқеа ҳам бор.

Унинг қийиқ кўзлари катталашди:

— Йўғ-э, — деди йигит ажабланаркан. — Сиздек бир зиёли одам ... Лекин гавдангиз спортчиларникига ўхшаркан. Хавф? От сизга хавф солдими?!

Уни қизиқтириш учун атайин жавоб айтмадим. Бориб чинор остидаги ёғоч ўриндиққа чўккандим, у ҳам ёнимга келиб ўтирди.

Бир оёғимни иккинчиси устига чалиштирдим-да, жим қолдим. "От жинниси"га бу ерлар менга бегона эмаслигини айтиб қўймоқчи бўлиб, хотирамни титкиладим.

— Авазбек деган курсдошим бўларди, — дедим ўзимга ўзим гапираётгандек секин. — Биз физкультура институтида ўқирдик. Мен боксга ишқибоз бўлсам, у кураш деса ўзини томдан ташларди. Таътил вақтида қишлоққа келганимда кўрардим: ҳовлисига тирранча болаларни йиғволиб, бир-бири билан олиштираверарди, олиштираверарди. Мен эса эски латта-путта тўлдириб, дарахтга илинган қопни дўппослайверардим. Иккаламиз саҳарлаб дарёдан кечиб ўтиб, сўқмоқлар бўйлаб югуришни канда қилмасдик. Институт биринчилигига тайёрланардик-да. Бир куни Авазбекнинг отаси Ёдгор амаки сайхонликка чиқманглар, ҳавонинг авзойи бузуқ, сел келиши мумкин деб қолди. Ёшмиз – ўтолов. Э, дедик қўл силтаб, нима, ёш боламизми қўрқадиган. Мабодо ёғиб қолса бир қочиш қиламиз. Ит қувса ҳам етолмайди. Ва кулиб жўнаб кетдик. Кўп ўтмай момақалдироқ гумбирлаб қолди. Кейин ёмғир томчилай бошлади. Э, ука, одамзот қанчалик кучли бўлмасин, мўъжизалар яратмасин, табиат ҳодисалари олдида барибир ожиз экан. Тоғни урса талқон қиладиган ёшдамиз-у, лекин жонимизни қандай сақлаб қолишни билмай талвасага тушдик. Биз турган тоғ ёнбағрида бир кичик ёнғоқзор бор эди. Ёнғоқзор пастликда, бироз чуқурликда, ниҳоллар эса ҳали ҳосилга кирмаган. Ўзимизни ўша ёққа урдик. Барибир қаттиқ жала дарахтнинг қуюқ япроқларидан ўтиб, кийимларимизни жиққа ҳўл қилди.

Зум ўтмай момақалдироқнинг еру кўкни титратувчи овозию, осмонга ўт ёқиши етмагандек қасир-қусур овозлар эшитила бошлади. Авазбек бундай даҳшатли воқеани жиллақурса бир марта кўрган бўлса керакки, "Сел тоғдаги тошларни бир-бирига уриб, дарёга итқитаяпти, - деди овози титраб. Энди биз ўтиб келган яккачўп кўприк ҳам тамом..." Мен эса "Ўзимизчи, ўзимиз..." дедим-да, тоғу тошларда ўлиб кетамиз шекилли, деган гапни айтишдан уялиб турардим.

Ҳикоямни тўхтатиб, ёнимдаги ҳамроҳимга қарадим. Ажабки, у ҳеч нарса эшитмагандек ҳавзадаги сувнинг енгил шабадада жимирлашига боққанича сира таъсирланмай бепарво ўтирарди. Йигитнинг авзойидан, хўп, ака, шунга шунчалик ваҳимами, деган ифодани пайқагандек бўлдим. Ўзимча ўйладим: "Тоғ одамлари учун булар воқеа эмас, оддий турмуш тарзи".

Йигит фикримни уққандек бирдан менга қаради ва тиззамга яхшигина шапиллатиб урди:

— Буни отга нима дахли бор, ака?

Азбаройи тиззам оғриганидан ўрнимдан сапчиб турдим:

— Бор-да, агар Ёдгор амакининг Қорабайири бўлмаганида биз ҳозир... тупроқ тагида ётган бўлармидик. Ахир, сел тоғ харсангларини ҳали ниҳолдек ёнғоқзорга суриб келаётганди-да. Бир-биримизга елка тираб ўтиравердик. Қачон тоғдан баҳайбат харсанглар думалаб, дарахтларни ағдаради-ю, бизни мажақлаб ташлайди - гўё шуни кутаётган эдик.

Бирдан отнинг кишнашини эшитиб қолдиму, Авазбекка ялт этиб қарадим. У гўё буни мендан олдин эшитгандек ўрнидан дик турди-да:

— Саман, бу Саман! — деди жиннига ўхшаб сакрай-сакрай. Кейин иккаламиз таваккалига пастга-ялангликка отилдик. Сал нарида шовуллаб ёғаётган жаланинг нимранг пардаси остида ер тепиниб кишнаганича айғир турарди. Йиғламоқдан бери аҳволда от томон югурдик: "Э, жонивор-а, жонивор, яшавор-а..." Борасолиб Саманга мингашиб олдик ва шу заҳоти биз ҳозиргина жон сақлаб турган жойга бўтана сел аралаш кичиги одамнинг калласидай тошлар юмалай бошлади, дарахтларнинг қарсиллагани эшитилди. Отнинг танасидан илиқ нам ҳиди чиқар, бу эса бизга, тавба, жуда ёқарди. Авазбек энгашганича айғир бўйнини, мен эса шеригимнинг ҳўл танасини маҳкам тутганча қишлоққа қайтиб борардик.

Ҳикоям йигитни унчалик қизиқтирмади, шекилли:

— Кейинчи, — сўради ҳафсаласи сўниб.

— Кейин... Бундан кейин бунақа об-ҳавода тоққа чиқишга тавба қилдик.

— Шуми? — йигит ўрнидан туриб, яна темир панжарага суяниб олди.

— Шу, — дедим энди мен ҳам айтганимга пушаймон бўлиб.

— Бўпти. Энди мендан эшитасиз-а? Раҳмат. Бир кун тўй бўлаётганди. Унча-мунча кураш тушиб турардим. Ҳаваскорлик-да. Қишлоқда менга ўхшаган кураш ишқибозлари кўп. Улар орасида ота-онасидан етим қолган бир йигитча ҳам бор эди. Баланд бўй, келбатли. Исми Зафар эди. Зўр полвон бўламан деб юрарди. Авлодлари полвон ўтган. Ҳар ҳолда унга ишониш мумкин эди. Қойил-э, ўзидан катталарнинг ҳам курагини ерга тегдирарди-да. Йигит гапни кесиб-кесиб айтар, гоҳида одати бўлса керак, жингалак қўнғир сочларини шаҳд билан силаб қўяр, бу каби ҳаракатлари ва аллақачон офтобда қорайган чеҳрасидан чапанилиги шундоққина билиниб турарди. Хуллас, тўйда у ҳам бор экан. Одамлар қизиқ-да, унга тегажоғлик қилиб, мен билан кураш тушишга гиж-гижлашишарди. "Тушганим бўлсин, деди у баланд келиб, йиқитаман уни!". Бола-да, ғўрлиги бор, бу ёғи ғурур дегандай. Гаплари ғашимни келтирди-ю, жаҳлимни ичимга ютдим: "Кел, шу кўнгли яримни хафа қилма", дедим ўзимга-ўзим. Нима қилишимни билмай қолдим. Лекин бир нарса аниқ: бир кўтаришда белини қайириб қўяман. Тағин энди чиниқиб келаётган бўлса, етимгина бола, майиб бўлиб қолса-я, деб безовталандим. Тушмасам йигитнинг сазаси ўлади, ўзим ҳам ғалати бўлаяпман... Энг ёмони, йиқитсам кучига ишончи йўқолади. Одамнинг кучи ишончида, тўғрими, ака? Шундай қилиб, одамларнинг қийқириғи остида у билан кураш тушдим ва... — йигит кулиб юборди, — енгилдим. Енгилгандаям...



— Йўғ-э, шу гавда билан-а? Тағин чавандоз бўлатуриб...

— Яшанг! Мен асли курашчи эмасман. Чавандозман, тўғрироғи, тракторчилик қиламан. У эса ёш, ўсадиган бола. Ютсин, кучига ишонсин, дедим-да. Белимни маҳкам тутганидан билдимки, зўр полвон чиқади. Қўллари тош мисол қаттиқ. Бир кўтариб ташлаганди, қаранг-а, кучини сездим. Оёғимни омонат қўйипман, денг, оқибатда нима бўлди, қарс этиб тўпиғим чиқди-қўйди. Буни кейин жойимга бориб чўккалаганимда билдим. Сир бой бермай ўтиравердим. Ҳамма тарқасин, кейин уйимга кетарман дедим.

Тўй тераксор ўртасида, бир сайхонликда бўлаётганди. Ҳеч ким қолмагач алам қилиб ўзимга-ўзим: "Келиб-келиб боланг тенги боладан енгилдинг-а, бунинг устига чўлоқ бўлиб ўтирипсан, э, баттар бўл, аҳмоқ!", - дедим. Шу пайт юрагимнинг бир чеккасида: "Қизиқ одам экансан-ку, ҳаёт фақат ғалабадан иборат эмас, ёшларга ҳам йўл бериш керак. Бунинг устига ўзинг ичингда розийдинг. Енгилганингга... хурсанд бўлсанг-чи. Кўнгли яримнинг кўчасида ҳам байрам бўлди-да", дерди кимдир.

Оёғимнинг оғриғи бетайин ўй-хаёлларимдан устун чиқди. Отимни боғлаш одатим йўқ. Ақлли. Эмин-эркин юрсин дейман. "Қоравой, қайдасан? Кел!", деб чақирдим. Овозим тоғларда акс-садо бериб, масхара қилгандек ўзимга қайтди: "Қо-ра-вой, қай-дасан? Кел!". Сой бўйида ўтлаб юрган экан, кишнаб етиб келди. Чўлоқланиб, икки-уч қадам юргандим, жонивор менга суркалиб тўхтади. Сезгир-да, пайқади. Амаллаб миниб, тўппа-тўғри касалхонага кетдим. Ҳовлисига, аниқроғи эшиги олдидаги зина ёнида туриб қолди. Оғриққа аранг чидаб ерга тушдим. Кейин: "Бор, дедим юзига шапатилаб. Хотинимни чақириб кел". Бир кишнадию ўйноқлаб жўнади жонивор. Сўнг билдим, оёқ суягим ёрилган ҳам экан.

Йигит шуларни айтиб, ўркач-ўркач тоғларга қараб жим қолди. Гўё ўша отни қидираётгандек кўзларини қисиб, атрофни назардан ўтказди. Балки шу топда қайлардадир ўтлаб юрган айғирини соғиниб қолгандир. Оти ҳам уни кутаётгандир. Эгасининг қаттиқ, лекин аллақандай меҳрли кафтлари билан ҳар куни бошдан-оёқ силаб-сийпаши, эринмай чўмилтириши, бўйнидан қучоқлаб-қучоқлаб олиши хумор қилгандир. Бу энди каминанинг хаёли.

— Анчадан кейин айғирни миниб, хотиним келди. Аёлимнинг айтишича, ҳовлига кириб, ер тепинибди. Қаттиқ-қаттиқ кишнабди. Буни кўриб хотиним ичидан зил кетган чоғи: "Хўжайинимга бир гап бўлган, шекилли".

Дўхтирлар дориларни аёлимга ёзиб бергач, у қишлоққа қайтиши керак эди. Қаранг, жўнаган деб ўйлаган хотиним бир пайт палатамга кириб келди.

— Отингиз оёқ тираб туриб олган. — деди у маъюсланиб, — қамчигаям қарамайди, "чуҳ"гаям, нуқул пишқиради". Дарров тушундим. Палата деразасини ланг очиб бақирдим: "Қоравой, қани, уйга кет-чи!" Қарасам, қулоқларини бир чимириб қўйди. Демакки, тушунди. "Бор, дедим хотинимга, энди гапингга киради. Фақат уйга бориб, оққанд беришни унутма".

Негадир хотиним ҳалиям қотиб турарди. "Ҳа, дедим жаҳлим чиқиб, нега қоққан қозиқдек турипсан?". "Вой, деди у ерга қараб, кўчада қандоқ қилиб от миниб бораман, одамлар бу хотинни нима жин урди, демайдими?". "Э, хотинжон, дедим ўзим кутмаган ҳолда юмшоқ оҳангда, бу отни миниб юриш фахр-ку. Қадди-қоматини қара, оёқлари узун, текис, ёллари-чи, сенинг сочингдек майин, силаган саринг силагинг келаверади. Лекин у айғир-да, ғурурли, буни ёқтирмайди". Кейин хотин билан пачакилашганимга ўзимнинг ғашим келди. Овозимни баландлатдим: "Бор энди, гапни кўпайтирма, мин-да кет".

Аслида уни ҳам тушуниб турардим, хотин шаҳарлик эди-да.

Ойнадан қараб кўнглим бузилди, от зина олдига келиб аёлимни миндирди: "Эҳ, Қоравой, ўзинг зўрсан-да". Хайрлашди шекилли, бир кишнадию дарвозадан чиқди-кетди. Шу-шу, энди бу сўз ярашса керак, маликам от миниб, касалхонага анча қатнади. Ҳар келганда чўлоқланиб Қорабайирнинг олдига бораман. Кўзларидаги мунг йўқолаёзган, қадди баттар тикланаётгандек туюлди. "Сенга раҳмат, дедим кўнглим кўтарилиб, садоқатингга раҳмат, Қоравой. Мана энди соппа-соғман".

Йигит ўз гапларидан ўзи завқланди, кейин "Ака, тағин бу бола жа-а оширворди-ку, деб ўйламанг, отни тушунган одам мени тушунади" деди жилмайиб. Шу пайт икки ўғли ҳавза сувидан чиқиб келди.

— Энди биз кетдик, — деди у тезгина қўл узатиб. — Булар тўгаракка кеч қолишмасин. Бўлмаса, Зафарбек таъзирини беради.

— Ким у Зафарбек? — шошилиб сўрадим.

Йигит орқасига ярим ўгирилганича шаҳд билан қўл силтади:

— Э, ака, унутдингизми, ўшанда мени курашда йиқитган бола-да. Аллақаердан чемпион бўлиб келган. Ҳозир курашдан дарс беради.

Шундай деб ўғиллари билан илдам жўнади-кетди.

* * *

Ажаб, ўша куни ўзимнинг ҳикоям... ўзимни қизиқтириб қўйди. Авазбекни ҳалиям шу атрофда яшайди деб эшитгандим. Бир қидириб топмайманми, деб ўйладим ва машинада айланма йўллар билан юқоридаги қишлоққа чиқиб бордим. Баландликдан қулоқларим шанғиллаб, томи қизил черепица билан ёпилган қўш дарвозали бино олдида тўхтадим. Яшил рамкадаги "Ёшлар спорт мажмуи" деган ялтироқ ёзувга кўзим тушди. Дарвоза ёнидаги эшикни очган қоровул чолдан сўрагандим: "Бу атрофда Авазбек деган одам яшамайди", деди сира иккиланмай. Сўнг ҳафсалам пир бўлганини сезди, шекилли, бироз ўйланиб аниқлашга тушди: "У одам ўзи нима иш қилади?" "Шу атрофдаги мактабда дарс берарди. Тошкентда бирга ўқигандик. Отасининг исми, янглишмасам, Ёдгор ака эди" дедим.

Қоровул дафъатан жонланди: "Э, сиз Холдорбойни айтяпсизми, у киши кейинчалик фермерлик қилганлар. Шу тоғу тошларда мева-чева етиштириб, машина-машина савдога жўнатардилар. Бу бинони шу киши қурган. Ҳозир йўқлар. Курашчиларга ҳомий бўлиб қаёққадир кетганлар. Ўғли Сардорбек у кишининг касбини олган спортчи.

— Зафарбек? — бўшашдим бирдан.

— Ҳа, энди ўғиллари-да. Бўлмаса учта азамат ўғиллари бор, — кейин яқин келиб секин шивирлади. — Асраб олганлар. Шунақа бағри кенг одам у.

— Мени кечирасиз, исмлари ҳам бошқа. Мабодо адашмадингизми? — сўрадим.

— Йўғ-э, меҳмон, асли исмлари Авазбек. Лекин қишлоқда Холдорбой деймиз. Кураш тушганларида кўрганмиз. Кўкракларида холлари бор.

Бирдан сув бўйида учратганим чавандоз йигит, тўғрироғи, ўзи айтмоқчи тракторчи йигитнинг гапларини эсладим. У Зафарбекнинг ота-онаси йўқ, шунинг учун ... унга енгилдим деганди. Қаранг-а, қоровул чол буни тасдиқлаяпти.

Кўнглимда қувончми-ғурурми, ишқилиб, ёқимли бир туйғулар жимирлади. Илойим, ҳамманинг ҳам тоғлардек ишонгани бўлсин. Бу энди менинг гапим эмас, қоровул чолнинг гапи. Тўғрироғи, дуоси. Ҳарҳолда мен шундай тушундим.

# ҲАВАСГА ЛОЙИҚ «ҲАВАС»

**Рустамжонни салкам йигирма йилдан буён биламан. Наманган давлат университетининг бадиий графика факултетини битириб, бир муддат ўқитувчи бўлиб ишлаганидан сўнг пойтахтимиздаги Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтида аспирант сифатида иш бошлаганида таҳририятимизга мақолалар олиб келиб турарди. Яхшигина қалами бор, бир неча мақолалари газетамизда чоп этилган. Асосийси, Рустам Эрматов яхши рассом, чизган суратларини жамлаб, кўргазмалар ташкил қилган.**

Хуллас, нимадир бўлиб, бироз муддат учрашмадик. Ўзи таҳририятга қўнғироқ қилганида эса унинг бир фурсат "йўқолиб" қолиш сабаби ойдинлашгандек бўлди. Рустамжон бизни "Ҳавас" гуруҳи иштирокида ўтадиган концертга таклиф қилди. Концерт жуда яхши ўтди. Билсак, "Ҳавас" оилавий ансамбл бўлиб, Р.Эрматовнинг фарзандларидан ташкил топган экан. Қизиқиш сабаб Рустамжоннинг хонадонида бўлдик.

Дўмбирободдаги шинам, ихчам ҳовлида истиқомат қилувчи оила аъзолари олти кишидан иборат: оила бошлиғи Рустамжон Эрматов, хонадон бекаси Матлуба Эрматова, фарзандлар — Қаҳрамон, Шаҳноза, Достонбек, Робия, Ғуломжоновлар. (газетхонларга тушунарли бўлиши учун эслатиб ўтмоқчимиз: фарзандларга Рустамжоннинг отасининг исми фамилия қилиб берилган).

Бир қарашда оддий кўринган ҳовли ичида мўъжизалар дунёси жойлашганини эшитиб ҳайрон қолдим. Яъни ҳовли саҳни билан баробар ер остида овоз ёзиш студияси жойлашган экан. Рустамжондан шундай мураккаб ишни қандай амалга оширгани ҳақида сўрадим.



Суратда: Қаҳрамон, Шаҳноза, Достонбек Ғуломжоновлар.

— Албатта, студия бирданига битиб қолгани йўқ. Оилавий ансамбл ташкил этиш истаги туғилгандан бошлаб, овоз ёзиш учун зарур асбоб-ускуналарни йиғишга тушдик. Турмуш ўртоғим Матлубахон иккимиз ўзимизнинг касб-коримиз, орзу-истакларимизни фарзандларимиз камолига бағишлашга қарор қилдик. Тома-тома кўл бўлур деганларидек, меҳнатларимиз зое кетмади, болалар улғайгунча, овоз ёзиш студияси ҳам тайёр бўлиб қолди. Мана бугун оилавий ансамблимизнинг машғулотлари ҳам, қўшиқ ёзиш жараёнлари ҳам ўз студиямизда бўляпти.

Суҳбат асносида маълум бўлдики, Рустамжоннинг ижод оламида кўринмай қолганининг асл сабаби, фарзандларининг эртаси ҳақида жиддий бош қотираётганида экан. Албатта, у сурат чизишни, санъатшунос сифатида фикрлашни бир зум бўлса-да тўхтатгани йўқ. Лекин асосий вақтини оилага, фарзандларига бағишлаяпти. Агар таъбир жоиз бўлса, бугун ўзи бир вақтлар ният қилганларини амалга ошириш билан банд.

— Институтда ўқиб юрганимда ҳар йили қирққа яқин сурат ишлардим, — дейди Р.Эрматов. — Асосан, тунда, ойдинда чизардим. Шундай пайтларда классик мусиқа тинглашни ёқтирардим. Тўғриси, ўшанда бирорта созни чалишни ўрганмаганим алам қилганидан "Худо хоҳласа, фарзандларимни моҳир созанда қиламан", деб ўйлаб қўйгандим. "Яхши ният — ярим мол" деганлари рост экан.

Тўнғич фарзандимнинг илк устози, мусиқашунос олима Ирода Дадажонова билан аспирантурада бирга ўқиганмиз. Ўғлимни тўрт ёшидан пианино чалишга ўргатди. Устозининг ва ўзининг меҳнатлари билан Глиэр номидаги мусиқа академик лицейининг фортепиано бўлимига ўқишга кирди. Унга ҳавас қилиб юрган қизим Шаҳноза ҳам шу лицейнинг фортепиано бўлимида ўқишни давом эттирмоқда.

**«2012 йил — Мустаҳкам оила йили»**

Иккита фарзандимизни мусиқа лицейига жойлаб, бу борада бироз тушунчага эга бўлганимиз учун Достонбекни скрипка синфига беришга қарор қилдик. Чунки унинг қўли скрипка чалишга мос бўлиб, бармоқларининг учи думалоқ. Устози Баҳром ака ҳам уни кўрган заҳоти скрипка чалиши кераклигини айтган. Ҳозирги кунда Достонбек учинчи синфни битирди.

"Фарзандларингизни ўқишга бераётганингизда уларнинг қизиқишлари билан ҳисоблашганмисиз ёки улар ота-она хоҳишини бажаришганми?", деган саволимизга оила бошлиғи шундай жавоб берди:

— Аввало, эскиларнинг "Катта арава қаёққа юрса, кичиги ҳам изидан боради" деган гаплари ҳақ экан. Қаҳрамоннинг пианинодаги машқларини кўриб, биргаликда чалиб юрган қизим ўз-ўзидан мусиқага кўнгил қўйиб катта бўлди. Лекин бир нарсани айтиш керак, Шаҳноза бошида рассомликка ўқийман, деди. Уни рассомлик мактабига олиб бордик. Афсуски, ижодий имтиҳондан ўтолмади. Шунда ўзининг ихтиёри билан мусиқа лицейига олиб бордик. У пианино чалиш билан бирга расм чизишни ҳам тўхтатгани йўқ. Яхшигина суратлар чизади, модалар ўйлаб топади. 9-синфни битириб, рассом-дизайнерлар тайёрловчи ўқув юртига кириш ниятида. Орзуси модельер-дизайнер бўлиш. Бунга қаршилигимиз йўқ. Ансамблимизга хонанда-созанда билан бирга дизайнер ҳам керак. Одам ҳар соҳада ўзини синаб кўриши лозим. Ўрганиш ҳеч қачон зиён қилмаган.

Рустамжон бу фикрларни аллақачон ўз фаолияти билан исботлаган. Унинг яхшигина рассом ва санъатшунос экани оилавий ансамбл фаолиятида катта аҳамиятга эга. Қирқ ёшга кириб қолганига қарамай, клип монтажи ва реклама роликларини тайёрлаш курсида ўқиди. Бу йил эса компютер курсида таҳсил олди. Бугун ўзи бемалол клип тайёрлаб, реклама ишлари билан шуғулланади. Кўп китоб ўқиши, айниқса, шеъриятни яхши тушуниши туфайли ансамбл ижро этадиган матнларни жиддий кўриб чиқади, болаларга, ёшларга мос шеърлар ёзиб, фарзандлари билан биргаликда куй басталашади, бунда кўпроқ Қаҳрамон етакчилик қилади.

Умуман, Қаҳрамонга кўплаб тенгдошлари ҳавас қилса арзийди. Устози Гулжаҳон Ҳасанова раҳбарлигида фортепиано ижро маҳоратини кунт билан ўрганган ёш созанда бир неча республика ва халқаро танловлар совриндори. Айниқса, шу йил апрел ойида Францияда ўтган Николай Рубинштейн номидаги халқаро танловда биринчи ўринни эгаллагани ўзига ҳам, оиласига ҳам катта қувонч олиб келди.

Достонбек ҳам акасидан қолишаётгани йўқ. Ҳали ёш бўлишига қарамай, шу йил феврал ойида Францияда скрипка бўйича ўтган халқаро кўрик-танловда биринчи ўринни эгаллаб, жаҳоннинг таниқли созандалари ва мусиқа мутахассисларини ҳайрон қолдирди. Шуни айтиш керакки, оилавий ансамбл тузиш учун ҳам Достонбекнинг қўшиқ куйлаши туртки бўлди. Уйда у қўшиқ куйлаганда, акаси мусиқа чалиб турар, баъзан опаси жўр бўлиб қоларди. Шунда оила бошлиғининг хаёлида ансамбл тузиш истаги туғилди. Гуруҳга дастлаб яхши ният билан "Оила юлдузлари" деб ном беришди. Кейинчалик бир-бирига ҳавас қилиб, санъат йўлида камол топиб бораётган болалардан иборат ансамбл "Ҳавас" деб номланди.

Бугун "Ҳавас"га ҳамма ҳавас билан қараяпти. Гуруҳ шу кунгача ўз тенгдошлари даврасида бир неча концертлар берди. Гуруҳнинг энг каттаси Қаҳрамон пианинодан ташқари танбур, дутор, аккордеон чалишни ўрганди, ҳозир эса най чалишни машқ қиляпти. Яхшигина овози бор, қўшиқлар ҳам айтаяпти. Қўшиқ матнларини Рустамжоннинг ўзи танлайди. Мусиқалар муаллифи эса 6 йилдан буён куй басталашни машқ қилиб келаётган Қаҳрамон Ғуломжонов.

Дарҳақиқат, ҳавас қилса арзийдиган гуруҳ, ҳавас қилса арзийдиган оила. Ҳар томонлама ибрат олишга арзийдиган бу оиланинг асосий ютуғи нимада? Бу, аввало, ота-онанинг ҳамфикрлигида, ўзаро ҳурматида, аҳиллигида. Яна ҳам аниқроғи, аввал-бошдаёқ ота-она ўз олдига катта эзгу мақсадни қўя билганида.

Эҳтимол Рустам Эрматов рассомлик йўлидан кетиб, кетма-кет суратлар чизиб, кўргазмаларда мунтазам қатнашиб турса, рафиқаси Матлубахон Эрматова руҳшунос-педагог сифатида танлаган мавзуи бўйича илмий иш қилса, ҳар бири ўз соҳасида маълуму машҳур бўлиб кетиши мумкин эди. Лекин улар ўзларидаги бор билим-малакани, тажрибани фарзандларига беришни маъқул кўришди. Оқибатда фарзандлари ўзлари ҳам ном қозонишди, ота-онани ҳам машҳур қилишди. Шу баробарида иқтидорли ёшлар жаҳон узра ўзбек санъати довруғини таратишга муносиб ҳисса қўшишаяпти.

Буларнинг барчаси оила мустаҳкамлигининг, эр-хотин аҳиллиги, якдиллигининг натижасидир. «Баъзида қийналсак ҳам, болаларимизнинг ўқиши, ўрганиши учун ҳеч нарсани аямаганмиз, — дейди Матлубахон. — Рустам ака ҳовлимизда студия қуриш истагини билдирганида "Уйимизни таъмирлатамиз, ошхона қуриб берасиз", десам бўларди. Лекин болаларни, уларнинг келажагини ўйладим. У кишининг қилаётган ишлари тўғрилигига, яхши натижа беришига ишондим. Шунинг учун ҳам қийинчиликлар сезилмади".

— Ҳозир ҳам пул тўплаб машина олсак, ёз ойларида дам олишга кетсак бўлади. Лекин биз бундай қилолмаймиз, — дейди Рустамжон. — Бизга болаларнинг бугуни эмас, келажаги муҳим. Агар барча ҳаракат ва маблағ илмга, яхши ишга сарфланса, бунга ачиниш керак эмас. Оиладаги қийинчиликлар, келишмовчиликларни бартараф этишнинг асосий шарти — эр-хотин бир-бирини тушуниши. Ана шунда оила мустаҳкам бўлади.

Зиммасига ота-она бўлиш юкини олган ҳам бир одам фарзандига имконият, шароит яратиб бериши, тарбияни фарзанди она қорнидалигидаёқ бошлаши, фарзандининг иқтидоридан ўз манфаати йўлида фойдаланмаслиги, боланинг ҳар бир ютуғидан қувонишни ўрганиши керак, деб ўйлайман.

Рустамжон ва Матлубахоннинг сўзларини тинглаб туриб, улар ўзлари айтаётган гапларни аллақачон амалда исбот қилганлари, бугун ҳам эътиқодларига содиқ ҳолда фарзандлари учун яшаётганлари ҳақида ўйладим. Энг муҳими, бу оилада болани уйга тортиб турувчи меҳр-оқибат, аҳиллик, самимият бор. Студия, стол тенниси, бокс қопи, бассейн деганларидек, яна арғимчоқ ҳам.

Арғимчоқ кимга дерсиз! У оиланинг кенжатойи Робияхонга тегишли. Тўрт ёшли жажжигина бу қизалоқ ҳаваскор скрипкачи, гуруҳнинг энг кенжа аъзоси. У ҳам опа-акаларидек мусиқа оламида ютуқларга эришишига, "Ҳавас"га ҳамма ҳавас қиларли ҳисса қўшишига ишонамиз. Эрматовларнинг тотув хонадонида бунга барча шароит мавжуд!

**Гулчеҳра УМАРОВА**

# МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШНИНГ РАНГИН ЙЎЛЛАРИ

Бошланиши биринчи саҳифада.

**– Миллий юксалиш фалсафаси ижодкор учун абадий мавзу. Бу, шубҳасиз, халқ бадиий-эпик тафаккури қатламидаги рамзларни тиклаш ва ривожлантириш билан чамбарчас боғлиқ. Шу маънода бугун ўзбекистонлик ижодкорлар олдида турган энг муҳим вазифалар нималардан иборат, деб ўйлайсиз?**

– Бир қараганда, ижодкор – ёлғиз одам, санъат эса умумбашарий ҳодиса. Аммо, барибир, ижодкор ўзини муайян миллатга мансублигини ҳеч қачон унутмайди, бунга ҳаққи ҳам йўқ. Ўзини англаган, ҳурмат қилган ижодкор жамиятдан айри яшамайди, эл-юрт ташвишини ўз муаммоси, деб билади. Ҳамюртлари бахтли бўлмагунча саодат нималигини ҳис этмайди.

Биз илдизи неча минг йилларга туташ муқаддас замин ва улуғ аждодларимизнинг ўлмас мероси билан озиқланган, ўз ҳаёт фалсафаси, яшаш тамойилларига эга халқмиз, юксак маданият ва маънавият ворисларимиз. Мустақиллик қандай оғир курашлар эвазига қўлга киритилди. Халқимиз оғир ва мураккаб шароитларни бошидан кечирди. Бугунги асосий вазифамиз истиқлол туфайли қадр топган қадимий тарихга эга миллий анъаналаримизни, эзгу фазилатларимиз ва миллий шаънимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, янада ривожлантиришдан иборатдир.

Бу жараёнда халқимиз маънавияти чексиз илҳом манбаидир. Бу миллий рамз ва мотивлар билан сўз айтиш демак. Ҳатто оддий фотограф ҳам қуруқ воқеликдан қочишга, тасвирга маъно юклашга уринади. Тасвирий санъат эса тўлалигича инсон идроки, тасаввури ва тафаккурининг инъикосидир. Албатта, санъаткор замонавий фикрлаши, давр билан ҳамнафас яшаши лозим. Аммо унинг илдизлари ер-сувдан узилса, ижоди узоққа бормайди. Бу – санъатда ўз исботини топган ҳақиқат.

Бугун айрим ёш рассомларимиз ижодини кузатиб, тасвирий санъатда ҳам қиёфа ва қиёфасизлик кураши кескинлашаётганини ҳис қилиш қийин эмас. Айниқса, четдан ёпирилиб келаётган «оммавий маданият»нинг таҳдиди ва оқибатларини ҳаммамиз кўриб-билиб турибмиз. Баъзи ёш рассомларимиз европалик санъаткорлар тажрибадан ўтказган «изм»ларга кўр-кўрона эргашиб, ўз илдизини унутиб қўймоқда.

Дунёдаги ҳамма халқ ҳам миллий рамзлар тизимига эга эмас. Бу миллатни миллат қиладиган, халқни бирлаштирадиган беқиёс куч. Айтайлик, шарқона қарашлар тизимида олма – муҳаббат, анор – оила, балиқ – ҳалоллик, тошлар эса инсоний изтироблар тимсоли.

Яқинда хитойлик делегация вакиллари мамлакатимизда бўлиб, юрган йўлларида расмлар чизишди. Ўша суратлар кўргазмасини ўтказдик. Шунда улар асосан бир фикрни – халқимиз ўзига хос яшаш тарзи ва фалсафасини бус-бутун сақлаб қолаётгани мамлакатимизнинг буюк келажагида, янада тараққий этишида муҳим омил бўлишини қайта-қайта таъкидлади.

Яна бир воқеани айтай: икки-уч ой олдин гавайалик эр-хотин ўзбек нони тасвири туширилган сурат излаб келди. Сабабини сўрасам, ўзбекларда нон ризқ-барака, қуёш тимсоли экан, яқинда фарзандли бўламиз, унинг ризқи бутун, умри мунаввар бўлиши учун уйимизга ўзбек нонининг суратини илиб қўймоқчимиз, деб жавоб беришди. Бу рамзнинг инсон фикри, эътиқоди ва ҳаётига таъсирининг амалдаги бир ифодаси!..

Санъатимизнинг миллий асосларга таянган ҳолда ривожланиши, аввало, ёшлар маънавиятини юксалтиришда муҳим омил бўлади. Бу эртанги куннинг об-ҳавосини белгилаб беради. Бинобарин, ўзини англамаган инсон қиёфасизликка маҳкум, миллий асосларга таяниш – қиёфа, қиёфасизлик эса муқаррар ҳалокатдир. Умумбашарий маънавият ҳодисасига бирлашиш учун аввало миллий илдизларни англаш, ўзликни топиш лозим.

**– Давлатимиз раҳбари ўтган йили вилоятларимиздан биридаги замонавий уй-жойларни кўздан кечираётиб, хонага рангтасвир намуналарининг илиниши халқимиз онгу тафаккурининг юксалаётгани ифодаси эканини таъкидлади. Бугун тасвирий санъатнинг аудиторияси қандай?**

– Илгари рассомликни кўпчилик жиддий иш, профессионал касб санамас эди. Тасвирий санъатнинг доираси асосан зиёлилардан иборат эди. Ҳозир эса бу аудитория анча кенгайган. Бунга бир мисол: илгари Тошкентда (бутун Ўзбекистонда десам ҳам бўлади) бадиий асарлар кўргазмаси, савдоси билан шуғулланадиган битта-иккита муассаса бўлар эди! Бугунчи? Кўргазма заллари, тасвирий санъат галереялари, дўконлар...

Илгари кўплаб ҳамюртларимиз деворга гилам илиб қўйишни илғор маданиятнинг бир ифодаси, деб тушунарди. Хайриятки, гиламлар, бўйралар ўз жойига тушди. Бугун уларнинг ўрнини турли фото ва рангтасвир асарлар эгалламоқда. Гўзалликка интилиш, шубҳасиз, тасаввур ва тафаккурни поклайди, қалбни юксалтиради, туйғуларни тарбиялайди.

Яқинда ёш рассомларимиз ижодида бир янгиликни сезгандай бўлдим: асарларда шаҳар манзаралари кўпайибди. Бир ёш мусаввир Амир Темур хиёбонининг тонгини шундай тасвирлаганки, беихтиёр димоғингизда хиёбон нафасини туясиз. Урбанизациянинг санъатда ўз аксини топиши ҳам уни даврга, одамларга яқинлаштиришга хизмат қилади.

Шунингдек, ҳамюртларимиз орасида сурат коллекционерлари сафи кенгаймоқда. Бу ҳам санъатга қизиқиш, фикрлашга интилиш ва тасаввур қудратидан завқ олишга катта эҳтиёж борлигидан далолатдир. Қолаверса, халқимиз фаровонлиги ошаётганининг бир белгиси!

Давр ўтади, авлодлар алмашади. Эҳтимол, бугунги либос эртага бошқасига ўрин бўшатиб берар, лекин бобомерос туйғулар ҳеч қачон ўзгармайди. Тасвирий санъатнинг аудиторияси ана шу маънавий асос руҳи, бугунги замондошларимиз қиёфасининг асарларимизда қай тариқа ифода топишига боғлиқ.

**– Ижод сирли олам, ҳар қандай юксак савияли асар, табиийки, ўз қулф-калитига эга. Уни оддий одамларга албатта шарҳлаб-тушунтириб бериш керак. Санъат йўналишларининг ўзаро уйғунликда ривожланишининг миллий маънавиятимиз юксалишидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида нималар дея оласиз?**

– Санъатнинг бирор-бир йўналиши ўз ҳолича тараққий этолмайди. Бугун мамлакатимизда санъатнинг барча соҳаларини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Аммо ижодкорларимиз ўртасида ўзаро ижодий мулоқотлар кам, асарларга муносабат билдириш ҳамон суст.

Айтайлик, битта суратни шоир, артист ё ҳайкалтарош ўзига хос тушунади. Бугун, афсуски, шоир асарлари тақдимотида рассомларни, кўргазмаларда эса артист ё ёзувчиларни кам учратасиз. Шунинг учун ҳам Бадиий академиямиздаги йиғилишларга имкон қадар санъатнинг барча йўналишлари вакилларини қамраб олишга ҳаракат қиляпмиз.

Ҳар бир асар – миллий мафкура ва тарбиянинг кучли воситаси. Маънавиятнинг юксалиши ижодий саъй-ҳаракатларнинг қай тариқа бирлашишига боғлиқ. Бу чўққига эришиш учун, аввало буюк ва муқаддас Ватанимизда туғилиш – бахт, айни пайтда жуда катта масъулият эканини англаш лозим.

Яқинда янги суратлар чизиб, уларга «Онаизор» ва «Ноқобил ўғил» деб ном қўйдим. Иккисида ҳам бир мазмун – фарзандининг дийдорига муштоқ она (Ватан) ва волидаси пойида тиз чўккан ўғил тасвирланган. Инсон йўлга чиқадиган ва мангу талпинадиган манзил ягона – она-Ватан. Ота-боболаримиз уйи олдидаги қудуқнинг суви камайса, чашмани бошқа ердан изламаган. Бильакс, ўша булоқ кўзини янада кенгроқ очишга, оиласини ҳар жиҳатдан мустаҳкам қўрғонга айлантиришга ҳаракат қилган.

Миллий иммунитет аждодларимизга хос муқаддас йўлнинг давом эттирилиши, миллий руҳнинг сайқалланиши ва тафаккурнинг таназзул устидан ғалаба қозонишидир. Бу борада бизга ўзимиздан бошқа ҳеч ким кўмак беролмайди.

Ота-онани, Ватанни танлаб ҳам, алмаштириб ҳам бўлмайди. Маънавияти бутун авлоднинг тадбири тақдирига мос келади. Маънавий жасорат кўрсатиб яшашни ҳаёт дастурига айлантирган авлодлар ўз ўрнини ҳамиша англаб, ўзгаларга ҳам англатиб яшайди.

Бу жараёнда камолот ва саодат манзилига элтажак йўлни кўрсатиш – санъатнинг таянч нуқтаси, ижодкорнинг мангу вазифаси. Зотан, Президентимиз Ислом Каримов «Юксак маънавият – енгилмас куч» китобида таъкидлаганидек, «ҳар куни ҳар соатда фидоий бўлиш, ўзини томчи ва томчи, зарра ва зарра буюк мақсадлар сари чарчамай, толиқмай, тинимсиз сафарбар этиб бориш, бу фазилатни доимий, кундалик фаолият мезонига айлантириш – ҳақиқий қаҳрамонлик аслида мана шу».

**ЎзА мухбири Умид ЁҚУБОВ суҳбатлашди.**



## ВИВАЛЬДИНИНГ ЯНГИ ОПЕРАСИ

Антонио Вивальди мумтоз мусиқа ихлосмандлари орасида етук симфониялар муаллифи сифатида машҳур. Бироқ италиялик бастакорнинг ижоди чолғу асарлари билан чекланиб қолган деб ўйласангиз адашасиз. Хабарингиз бор, бундан бир неча ой илгари АҚШнинг конгрес кутубхонасида Вивальдининг номаълум операси аниқланган эди. Навбатдаги янгилик ҳам мухлисларни бефарқ қолдирмаслиги аниқ.

Турин миллий кутубхонасида машҳур бастакорга тегишли ҳужжатлар орасида "Бўйсунмас Роланд" операсининг иккинчи нусхаси топилди. Бироқ олимлар эътиборини бошқа бир жиҳат ўзига жалб этмоқда. "Бўйсунмас Роланд" учун ёзилган либреттолар ўхшаш бўлгани билан уларнинг мусиқаси бир-биридан фарқ қилади. Турин кутубхонасидан топилган асар Жованни Ритори билан ҳаммуаллифликда яратилган бўлиб, унга Вивальдининг шу кунга қадар номаълум бўлган йигирмата арияси ҳам киритилган.

## ЮРА ДАВРИГА САЁҲАТ

Технологик кино тарихида ўзига хос инқилоб ясаган "Юра даврига саёҳат" филмига қизиқиш ортиб бормоқда. Машҳур режиссёр Стивен Спилбергнинг энг муваффақиятли лойиҳаси сифатида эътироф этилувчи ушбу картина 2001 йили илк бора экран юзини кўрган бўлиб, кейинчалик филмнинг иккинчи ва учинчи қисмлари суратга олинди. Аммо мухлислар учун бу етарли бўлмаганга ўхшайди.

Голливуд ижодкорлари "Юра даврига" саёҳат филмининг тўртинчи қисмини яратишга бел боғлаган. Суратга олиш ишлари бошланмаган бўлса-да, рол ижро этувчи актёрлар жамоаси аллақачон тасдиқланган. Аммо С.Спилберг картинага режиссёрлик қилишдан бош тортди. Филм продюсери Френк Маршаллнинг таъкидлашича, Спилберг суратга олиш ишларида режиссёр эмас, балки маслаҳатчи сифатида иштирок этади. "Юра даврига саёҳат" филмининг тақдимоти 2014 йилнинг ёз ойларида бўлиб ўтиши кутилмоқда.




**Етти ранг...**

## МЕТРОПОЛИТЕН ЛУВРНИ ОРТДА ҚОЛДИРАДИМИ?

Нью-Йоркнинг Метрополитен музейи дунёдаги энг томошабоп санъат масканларидан бири. Айни пайтда ушбу музейга ташриф буюрувчилар сони шу қадар ортганки, тез орада Метрополитен бу борада Луврни ҳам ортда қолдириши мумкин. Ҳисоб-китобларга қараганда 2012 йилнинг ўзида Метрополитенга олти ярим миллионга яқин томошабин ташриф буюрган бўлиб, бу музей учун рекорд кўрсаткич ҳисобланади. Интернет тармоғи орқали эса қирқ тўрт миллиондан ошиқ мухлислар музей экспонатларига баҳо бериш имконига эга бўлишган.

Эслатиб ўтамиз: ҳозирги кунда дунёдаги энг томошабоп музейлар орасида Лувр етакчилик қилмоқда. Ўтган йили музейга тўққиз миллионга яқин санъат ихлосмандлари ташриф буюрган. Уларнинг асосий қисмини хорижлик саёҳатчилар ташкил қилган.

## АВРААМ ЛИНКОЛЬН КИНО ҚАҲРАМОНИ

Машҳур давлат арбоби Авраам Линкольн қиёфаси тез орада кино экранларида пайдо бўлиши мумкин. "DreamWorks" киностудияси АҚШнинг ўн олтинчи президенти ҳаётига бағишланган бадиий филм тақдимоти ноябр ойида бўлиб ўтишини расман эълон қилди.



Мухлисларнинг хабари бор, яқинда россиялик кинорежиссёр Темур Бекманбетовнинг А.Линкольн иштирокидаги филми катта баҳсларга сабаб бўлган эди. Бироқ "DreamWorks" мутасаддиларининг ваъда беришича, янги картина биринчи талқиннинг давоми бўлмайди. Т.Бекманбетовдан фарқли ўлароқ, Голливуд ижодкорлари фантастик триллер эмас, тарихий драма суратга олиш ҳаракат қилишган. Филмда А.Линкольннинг ҳаёти, мамлакатни бирлаштириш йўлидаги кураши акс эттирилади. Асосий ролларни Дениэл Дей-Льюис, Жозеф Гордон-Левитт, Сэлли Филд, Жеки Эрл Хейли сингари истеъдодли актёрлар ижро этади.

## ҲАВАСКОР КИНО ИЖОДКОРЛАР

Кино санъатининг имкониятлари тобора кенгайиб бормоқда. Эндиликда оддий мухлислар ҳам бадиий кино ижодкорларига айланиши мумкин. Мисол учун Рим шаҳрига ташриф буюрган исталган саёҳатчи филм суратга олиш имкониятига эга. Бунинг учун шаҳарда жойлашган Меценат палас меҳмонхонасига мурожат қилинса, бас. Меҳмонхона ходимлари сизни суратга олиш учун зарур бўладиган барча анжомлар билан таъминлашади. Шунингдек, саёҳатчилар бу ерда кино санъати бўйича сабоқлар ҳам олиши мумкин.

Филмни суратга олиш жараёни уч кун давом этиб, саёҳатчиларга профессионал кино ижодкорлар ҳам кўмак беришада. Жумладан, филмга сайқал бериш (монтаж), овозлаштириш жараёни соҳа мутахассислари иштирокида ўтади. Эътиборли жиҳати, ҳаваскор киноижодкорлар филмнинг тақдимотини ўтказиши ҳам мумкин.

## ИККИНЧИ ГЕРКУЛАНУМ

Болгариянинг Бургасс вилоятида Византия империяси ҳукмронлик қилган даврга оид қадимий шаҳар қолдиқлари аниқланди. Тадқиқот ишларини олиб бораётган олимларнинг таъкидлашича, шаҳар бундан икки минг йил аввал бунёд этилган бўлиб, истеҳком вазифасини ўтаган. Археологлар эса ушбу топилмани машҳур Геркуланум шаҳрига қиёслашмоқда.

Маълумки, Геркуланум Италия шимолида жойлашган қадимий маданият ўчоғи бўлиб, милодий 79 йили вулқон отилиши натижасида ҳалокатга учраган. Бироқ табиий офат шаҳарда жойлашган осори-атиқалар, ноёб санъат намуналарини катта зарар етказмаган. Аксинча, қалин кул қатлами уларни сув ва шамол таъсирларидан асраган. Тўғри, Бургасс вилоятидан топилган шаҳар вулқон отилиши туфайли вайрон бўлмаган. Аммо архитектура намуналари, жумладан, тасвирий санъат асарлари яхши ҳолатда сақланиб қолган. Бунинг сабабини олимлар кўчманчи қабилалар ҳужуми билан боғлашмоқда. Милодий V асрда шаҳарга ўт қўйилган, бироқ ёнғин натижасида шаҳарнинг ташқи қисмигина талофат кўрган.

Олимлар ушбу топилманинг илмий аҳамиятига катта баҳо бераётгани бежиз эмас. Харобалар остида аниқланган осори-атиқалар византия санъатига дахлдор қимматли маълумотлар бериши мумкин.



**Интернет маълумотлари асосида тайёрланди.**

# БЎЛИМ БОШЛИҒИ

Ҳаммаси бўлимимиз бошлиғи Аҳрор аканинг меҳнат таътилига чиққанидан бошланди. Яна тепса-тебранмас Миркомиловнинг тушликка чиқмагани ҳам бунга сабаб. Ўзи у унча-мунчага овқатланмайдиям.

Хуллас денг, бўлимдагилар Аҳрор ака билан яхшилаб келишиб олишибди. У гўё бошқа ишга ўтаётганмиш. Ўрнига — бўлим бошлиқлигига Миркомилов тайинланибди.

Азаматлар кадрлар бўлими бошлиғи Ҳикоят опани битта шоколад билан сийлаб, бор-йўғи — "ҳа, рост", дейишга рози қилишганмиш.

Эртаси куни ҳаммамиз барвақтроқ ишхонага бориб, хонада Миркомиловни кутиб турдик. У кириб келиши билан ўрнимиздан туриб, илтифот кўрсата бошладик.

— Табрик, табрик, Эломон Миркомилович, — деди Баҳром ака. — Бўлим бошлиғи бўлибсиз, бир оғиз айтмайсиз ҳам.

— А? — анграйиб қолди Миркомилов жойида қотиб. Чамаси, у фамилиясига "вич" қўшиб мурожаат қилинаётгани учун шошиб қолганди. — Бўлим бош... бошлиғи?

— Ҳа-да, — гапни илиб кетди Тоживой. — Энди кечикиб келсангиз ҳам майли. Айтишади-ку, начайник ни апаздивайит, задержка будит, Эломон Миркомилович.

— Йўғ-ей, нималар деяпсизлар? — дея ҳаммага бир-бир қараб олди Миркомилов.

— Кеча фавқулодда шундай буйруқ чиқибди. Аҳрор ака вазирликка ишга ўтибди, эшитмадингизми? Шеф унинг ўрнига сизни лойиқ кўрибди.

Миркомилов ҳангу манг бўлиб қолган эди.

— Бу ёққа келинг, — деди Баҳром ака ва телефон рақамини тера бошлади. — Алё, Ҳикоят опа, яхшимисиз? Менга қаранг, бу Эломон Миркомиловичнинг бўлим бошлиғи бўлгани ростми, ўзингиз айтинг.

— Ҳа, рост, — деган чалпиллаган овози эшитилди Ҳикоят опанинг — афтидан у шоколадни паққос тушираётган эди.

— Ана, ишондингизми? — деди гўшакни қўйиб Баҳром ака.

— Бу... қанақасига, ахир? — хонада қаққайиб турганча сўради Миркомилов. — Шеф аввал гаплашиб оларди, шекилли, одатда... Бу...

— Шеф хорижга зудлик билан учиб кетганлар, — дедим "сценарий" бўйича мен бидирлаб. — Ёки сизга бўлим бошлиқлиги ёқмаяптими, а? Эшитсалар, хафа бўладилар-а!

— Йўқ... ёқяпти, нега энди... Фақат... Нима десам экан, кутилмаганда... қизиқ бўлар экан-да!

— Нима бўлгандаям сизни табриклайман, — тиржайди Фарид. — Мукофотпулларида қарашиб турасиз-да энди?.. Кредитга холодильник олганман-а... Тушликка чиқасизми, Эломон Миркомилович?

Миркомилов қўли ишга бормай, анчагача жим ўтирди. Биз оғзимизни маҳкам ёпиб, уни зимдан кузатиш билан овора эдик. Қурмағур Миркомилов гоҳ тиржайиб қўяди, гоҳ қовоғини солади.

Миркомилов шунчалик хаёлга берилган эдики, бугун ҳам тушликка чиқмади. Бош тебратишлари ҳам энди ғалати, аниқроғи, салобатли эди. "Ўзларинг бораверинглар", — деб улкан бошини ирғаб қўйди.

Биз ошхонада роса кулдик.

— Ўл-а, шунчалик ҳам бўласанми? — деди Баҳром ака. — Амал кўрмаган-да! Хаёл кемасига ўтириб, космосга учдию кетди.

— Ростини билса, биз ҳақимизда бошлиққа чақмасмикан? — деб сўрадим мен кўнглимга хавотир оралаб. — Ҳазилни тушунмайди у. Тағин ҳамиятига тегиб, расвомизни чиқармасин.

Ҳамкасблар қўл силташди — ўша белгиланган кунгача қўйиб берадиган бўлдик...

Миркомилов тушдан кейин ҳам тузуккуруқ ишламади. Хонага кириб-чиқиб юрди. Энди унинг бир қўли чўнтагида, қорни қаппайиб қолгандек эди. Ўзининг айтишича, ўринбосарнинг ҳузурида бўлибди. Ўринбосар ҳали билмасмиш, Миркомиловни худди аввалгидек оддийгина қарши олганмиш!..

— Сиз ҳаммага айтаверманг, — деб уқтирди унга Баҳром ака. — Жа мансабга кўзи учиб турган экан, дейиши мумкин...

## Ҳажвий ҳикоя

Эртаси куни мен эрталаб ўрнимдан тургим келмай тўйиб ухладим. Тўғри-да, катта бошлиқ хорижда, Аҳрор ака таътилда, шундай фурсатдан фойдаланмай бўларканми? Ишга шошилмай, қовоқларим шишиб бордим. Хонага кирсам, кичкина мажлисча: Миркомилов ўтказяпти! Шунақаям кулгим қистадики, ўзимни зўрға босдим. Ишқилиб кулмаганим яхши бўлган экан, Миркомилов менга хўмрайиб қараб, қақшатқич сўз қотса денг:

— Нега кечикиб юрибсиз? Нима, бу ер сизга подахонами?.. Тушунтириш хати ёзасиз, ярим соатда столимда бўлсин.

Мен ҳанг-манг бўлиб қолдим. Мажлисимиз тугаб, Миркомилов виқор билан хонадан чиқиб кетгач, мен портладим:

— Бу нима деяпти? Тушунтириш хати, дейдими? Вой, амал кўрмаган...

Тожи мазза қилиб куларкан, менга маслаҳат берди:

— Э, ёзаверинг, буям бир ҳангома-да!

— Нега ёзарканман? Бу аҳмоқ ҳали мени ҳайфсан билан сийлашдан ҳам тоймайди. Ёзиб бўпман!

— Ёзинг-ёзинг, — деди Баҳром ака. — Мен ҳам ёздим. Ўзимиз бошлаган ўйинда! Келишганимиздек, бир ҳафтага чидаймиз энди. Ҳайфсан бериб ким бўлибди бу? Гапи ўтмайди-ку барибир! Ана, папкасида туради тушунтириш хатларимиз, хоҳлаган вақтда кўзининг олдида олиб, йиртиб-йиртиб ташлаймиз.

— Ҳозир қаёққа кетди? — сўради Фарид. — Биз билан бир хонада ўтиришга ҳам ор қилиб қолди, шекилли?

— Аҳрор аканинг хонасини чамалаяпти, менимча, — деди Тоживой. — Унинг хонаси эса қулф. Аҳрор ака калитни ўзи билан олиб кетган.

Эшик очилиб, хонага Миркомилов кириб келди.

— Калит дейсизми? — деб сўради Тоживойдан у.

— Қўшнимизни гапираётгандим, — деди тутилиб қолган Тоживой. — Калитини нуқул бизникига ташлаб кетади-да!

— Иш пайтида қўшнини гапирманг, тушундингизми? — дўқ урди Миркомилов. Кейин тўппа-тўғри менинг тепамга келди: — Қани, тушунтириш хати?

Ходимлар менга секин имо қилишгани учун индамайгина ёзиб бердим. Бу тўнғиз қўпгур Миркомилов бало экан – тушунтириш хатимдан саккизта имло хатоси топиб, шунча ҳамкасбнинг олдида мени уялтирса бўладими!

— "Тушинтириш" эмас, "тушунтириш" бўлади. "Ирталаб" эмас, "эрталаб"! "Қорним ағриб қолди", эмас, "оғриб қолди", агар ростдан ҳам оғриб қолган бўлса! Саводдан берган экан-да ўзиям.

Тушунтириш хатини қайта ёзишимни буюрди. Менинг жиғибийроним чиқди. Бугун бир ҳафталик муддатнинг бир ярим куни ўтаётганини инобатга олиб, Миркомиловнинг айтганини адо этдим.

Биз кечгача бошимизни кўтармай, бурун тортмай ишладик. Орада Миркомилов чиқиб кетганидан фойдаланиб, эртани ўйлаганим учун, ҳамкасбларга таклиф киритдим:

— Эртага ҳаммамиз икки соат кечикиб келамиз, қани нима қиларкан бу хумпар!

Биринчи бўлиб Баҳром ака ўз фикрини айтди:

— Жон деб кечикиб келардим-у, аммо бу хумпар, эрталабга баланс тайёр бўлсин, деган-да! Чатоқ экан Миркомилов, билмасканмиз.

— Ие, ким бўпти Миркомилов? — дедим мен бўғриқиб. — Тоживой, Баҳром аканинг гапига қаранг!

— Менга, маҳсулотлар таннархини бултурги кўрсаткич билан таққослайсан, деган. Бугун кечгача улгурмасам керак, эрта саҳарда келиб тугатаман! — деб столи устидаги бир уюм қоғозларга имо қилди Тоживой.

Фаридга ўгирилдим.

— Мен бошқармага хат тайёрлайман, — деди у кўзларини мендан олиб қочиб...

Хуллас, эртаси куни тонг азонда биз ишхонада эдик. Миркомиловни бўралатиб сўкиб ўтирган эдик, ўзи кириб келди. "Нега паст овозда салом берасиз?", деб яна менинг асабимга тегди. Ўзи шундоқ ҳам уни кўрсам аллергиям қўзияпти.

"Сен ўзи кимсан? Бир марта ҳазиллашганимизга кетинг курси кўриб, ғўддайиб қолдингми? Кўрмаганнинг кўргани қурсин!" — дедим мен... ичимда.

— Ассалому алайкум! — бор овозда бақирдим унга.

— Менга иддао қилманг, — деди у тешиб кетгудек нигоҳ билан.

Кечга яқин эса Миркомилов Тоживой билан Фаридга "тарбиявий соат" ўтди. Аламим келиб ўтирган эдим, бошимни кўтармай уларнинг аҳволига роса кулдим.

Бир ҳафта, ўн кундан ўтди ҳамки, Миркомилов берган вазифалар адо бўлмасди. Пайдар-пай иш буюраверади. Ўзиям "ас" бўлиб кетдик. Бош қашлашга вақт йўқ. Тушликкаям ғиз этиб чиқиб келамиз — ўй-хаёл стол устидаги юмушларда!..

Нечанчи кун эди, эсимда эмас, хонамизнинг эшиги очилиб, Аҳрор ака кириб келди. Миркомилов йўқ эди. Биз азбаройи қувонганимиздан Аҳрор акани қучоқлаб йиғлаб юборишимизга оз қолди. Шундан кейин ҳамма гапни унга етказиб, Миркомиловнинг гўрига ғишт қаладик.

— Бу галварсга айтинг, бўлим бошлиғи эмассан денг, — бақириб юборди Фарид. — Жонимиздан тўйдирди-ку!

— Таътилингиз тугагани рост бўлсин, — дедим мен ҳамон Аҳрор аканинг елкасига қоқиб. — Бизни бу эшакдан қутқаринг.

Аҳрор ака мийиғида кулиб турар, нима деярини ҳам билмасди. Унинг оғиз очишини узоқ кутишга тўғри келди.

— Мен сизлар билан хайрлашишга келдим, — деди ниҳоят Аҳрор ака, томдан тараша тушгандай. — Ўшанда фаришталар омин деган экан, юқорига кўтарилиб кетяпман. Эсларингдами, ҳужжатларни топшириб қўйганман, девдим? Ниҳоят, чақириб қолишди.

— Нима?!. — бу савол тўртталамизнинг оғзимиздан баб-баравар чиқди.

— Шундай бўлиб қолди, — айбдорона елка қисди Аҳрор ака.

— Миркомилов-чи? — бу сўроғимиз ҳам тенгма-тенг чиқди.

— Назаримда, у энди ҳақиқий бўлим бошлиғи бўлди. Ўринбосар шефга тавсия қилган экан, маъқул тушибди.

Шу вақт эшик очилди-да, ғўддайганча Миркомилов кириб келди...

**Анвар НАМОЗОВ**

# РЕЗАВОРЛАР МЕВАСИ

**Қорағат, хўжағат (малина) ва маймунжон каби буталн ўсимликлар ҳосили резавор мева сифатида ёз ва куз ойларида дастурхонни безайди. Айни чоғда разавор меваларнинг турган-битгани дармондори ҳамдир.**

— Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсиясига кўра, ҳамиша соғлом ва бардам бўлиш учун кунига ярим килограммдан кўпроқ сабзавот ва мева истеъмол қилиш, камини эса резавор мевалар ҳисобидан тўлдириш зарур, — дейди парҳезшунос шифокор Е.Чедия. — Мабодо сабзавот-мева истеъмол қилмасангиз, кунига ярим килограмм резавор мева ейиш ҳам кифоя. Фақат ёз ойлари бундай меваларга тўйиб олиб, қишда умуман емаслик ҳам тўғри эмас.

**— Нордон мевалар ширинидан, қора тусдагиси қизилидан кўра фойдалими?**

— Йўқ, бундай деб ўйлаш мутлақо нотўғри. Уларнинг ҳаммаси фойдали. Таъмига қараб мевадаги углеводлар миқдорини аниқлаш қийин. Масалан, айримлар нордон меваларнинг калорияси ширин меваларникига қараганда кам деб ҳисоблайди. Ҳаммавақт ҳам шундай эмас. Эҳтимол, уларда органик кислоталар кўпроқ бўлиши мумкин, бироқ калорияси ўзгармайди. Қовуннинг таъми эса, ундаги углеводлар миқдорига боғлиқ. Қовун қанча ширин бўлса, шунча калорияли. Таомингизни С дармондориси билан бойитмоқчи бўлсангиз, актиниди коломикта (амур крижовниги)ни

## Соғлиғинг — бойлигинг...

истеъмол қилинг. Кўпчилик унча яхши билмайдиган бу меванинг 100 граммида 1000 миллиграмм С дармондориси мавжуд. Бу бир кунлик меъёрдир. Таққосланг: лимоннинг юз грамида 40 миллиграмм, қора қорағатнинг юз граммида 200 миллигамм С дармондориси мавжуд. Амур крижовнигини супермаркетлардан харид қилиш ёки томорқа ва боғ-ҳовлида ўстириш мумкин. Кўпчилик яхши биладиган кивининг Хитойда етиштирилгани ҳам С дармондорисига жуда бой.

**— Меваларни таомдан аввал истеъмол қилган маъқулми ёки овқатлангандан сўнгми?**

— Барча резавор мевалар меъда зардоби (хлорид кислота) ҳосил бўлишини кучайтиради. Шунинг учун ошқозон ва ичак хасталиги борлар бундай меваларни овқатланишдан сўнг истеъмол қилганлари маъқул. Резавор мева истеъмол қилганда ҳосил бўладиган хлорид кислота меъдага камроқ тушиши учун уларни сут ёки қаймоқ билан қўшиб истеъмол қилган маъқул. Гўшт ва парранда гўшти таркибидаги темир моддаси организмга яхши сингиши учун клюква ва қорағат каби нордон резаворлардан қайла тайёрлаб истеъмол қилиш тавсия этилади.

**— Резаворлардан фойдаланиб парҳез тутиш мумкинми?**

— Йўқ. Енгил-елпи овқатланиладиган айрим кунлардагина мумкин. Агар кимдадир шиш ҳосил бўлиш хасталиги бўлса, енгил овқатланиладиган кунларни белгилаб, калийга бой ўрик ёки туршак истеъмол қилиш мақсадга мувофиқ. Ўрик, таркибида калий миқдори кўплиги боис, қон босими хасталигидан азият чекадиганлар учун ниҳоятда фойдали. Ўрик натрий, яъни таомлардаги тузнинг нохуш таъсирини ҳам меъёрга келтиради. Агар кимгадир тузли таомларни чеклаш буюрилган бўлса-ю, бироқ колбаса ёки пишлоқ истеъмол қилган бўлса, ўша куни шиш ҳосил бўлишининг олдини олиш учун ўрик истеъмол қилиш тавсия этилади. Биз кўпгина резавор меваларни беморларга шифобахш таомларга қўшиб берамиз. Масалан, сархил резаворлар қўшиб яхшилаб аралаштирилган творог энг фойдали ва хуштаъм неъмат ҳисобланади. Агар беморларда сийдик таркиби тоза бўлмаса, таомлар рўйхатига клюква морсини қўшишни маслаҳат берамиз. Клюква таркибидаги гипур кислотаси сийдик йўлларини тозалайди. Бироқ резаворлар қанча яркираган бўлса, аллергия хавфи шунча юқори бўлади. Алкоголь эса барча моддаларнинг аъзоларга сўрилишини кучайтиради, шу сабабли аллергик реакция тезроқ намоён бўлади, буни ҳам унутманг.

✔ **Петрушканинг фойдаси.** Парҳезшунос мутахассис ва дерматологлар барча соғлом одамларга ҳеч бир истисносиз вақти-вақти билан бир боғ петрушка истеъмол қилиб туришни тавсия этишади. Сабаби, бу кўкат организмни дармондори ва микроэлементларга бойитади, айни чоғда, арзон. Петрушка илдизларида фойдали шакар миқдори кўп, хушбўй япроқларини эса юнонлар илоҳий неъмат, деб билишади.

✔ **Иш жойида жисмоний тарбия.** Йўллардаги тирбандлик, вақт зиқлиги боис, оқшомлари фитнес-клубларга боришга имкон бўлмайди. Шундай экан, яхшиси иш жойингизда жисмоний машқ билан шуғулланиб, ҳар доим бардам ва хушчақчақ кайфиятда бўлишга ҳаракат қилинг.

**1.** Аввало, соннинг ташқи юзасини машқ қилдиринг. Бунинг учун стулга яхшилаб ўтирган ҳолда тиззаларни бир-бирига теккизиш керак. Сўнг тиззалар ўртаси кенглигида икки қўлингиз билан икки томондан стулни маҳкам ушланг ва оёқларни икки томонга ёйган ҳолда қўлингиз қаршилигини енгинг, бутун куч билан 5-7 сония давомида мушакларни таранг тутишга ҳаракат қилинг. Бу машқни 15-20 марта такрорланг.

**2.** Тиззанинг орқа юзасини машқ қилдиринг. Стулга ўтириб, оёқларни елка кенглигида қўйинг. Елкани тўғрилаб, қорин мушакларини таранг тутинг. Навбати билан ўнг ва чап оёқ товонларини полга тегизиб-босинг. Машқни ҳар бир оёқ учун 10 мартадан такрорланг.

**3.** Думбанинг эластиклиги машқи. Стулнинг чеккасига ўтириб, бироз олдинга эгилинг. Қўлингизни олдиндаги столга қўйинг, бироқ унга бутун оғирингизни ташламанг. Думба машакларини бутун кучингиз билан таранг тутиб, бир неча миллиметрга бўлса-да, стулдан узилишга ҳаракат қилинг. Шу вазиятда 2-3 сония турган ҳолда стулга ўтиринг ва машқни 10-15 марта такрорланг.

Бундай машқларнинг фойдаси жуда катта.

# "ҚАЛБ НАВОЛАРИ"



Ўзининг бетакрор ва жозибали қўшиқ ҳамда рақслари билан санъатимиз ривожига катта ҳисса қўшган ижодкорлар номини халқимиз ҳамиша ҳурмат-эҳтиром билан тилга олади. Уларнинг бой маданий меросини тарғиб қилиш, санъат оламига ошно қалбларни етук ҳофизлар яратган мактаб сирлари билан таништириш, улар ҳақида китоблар, қўлланмалар нашр этиш эса шогирдлар зиммасига, айниқса жиддий масъулият юклайди.

Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори хонанда ва созанда Матназар Худойназаров устози, Ўзбекистон халқ ҳофизи Қувондиқ Искандаров ҳақида "Қалб наволари" ("Мусиқа" нашриёти, 2011 йил) номли китоб чоп

## Доимий ҳамроҳ

этди. Унда санъаткор ижро этган қўшиқлар, мумтоз ғазаллардан намуналар ва уларнинг ноталари, шогирдларининг хотиралари, дил сўзлари ўрин олган.

"Устоздан ўрганган биринчи қўшиғим академик Юнус Ражабийнинг Ҳамид Олимжон шеърига басталаган қўшиғи эди. Уни ўрганаётган пайтимда усулга тушиш қийин бўлди, тўғри чала олмаганимдан кейин устоз доирани қўлимдан олиб, ўзлари чалиб кўрсатдилар ва шу ашулани бирга ижро этдик. Ана шундан кейин устоздан кўп усулларни ўргана бошладим. Булардан "Чоргоҳ", "Сегоҳ" ҳамда рост мақомидан "Шитоб айлаб" қўшиқларини ижро этдим", дейди муаллиф.

Атоқли санъаткор Бобурнинг "Райҳонидур", Огаҳийнинг "Учрадим", Чустийнинг "Бахт тожин", Амирийнинг мусаддасларини "Феруз I", "Феруз II", "Савти Феруз", Катта сувора, Чапандози Сувора, Хушпарда сувора каби куйларга солиб хоразм йўлида ижро этган. Бундан ташқари, "Фарғона тонг отгунча", "Этмасмидим", "Мулла Тўйчи ушшоғи", "Тановар", "Сайёра", "Содирхон ушшоғи" каби фарғона-тошкент йўналишидаги куйларни ривожлантиришга, бойитишга ҳам ҳисса қўшди. Айниқса, китобдаги ноталар ёш мусиқачиларга қўлланма бўлиб хизмат қилади.

**Гулнигор ЗАРИПОВА**

## Журналларни варақлаганда

# "ЁШЛИК"

*2012 йил, 6-сон*

Журналнинг янги сони Асад Асилнинг "Зафар учун шаймисиз, ёшлар?" сарлавҳали даъваткор мақоласи билан очилади.

Бугунги адабий жараён, китобхонлик, адабий танқидчининг ижод жараёнидаги ўрни ва мавқе сингари долзарб муаммоларга бағишланган Аҳмад Аъзам билан Собир Ўнар суҳбати ўқувчиларда қизғин муносабат уйғотади, деб ўйлаймиз. "Тўғри, вақт ўтиши билан адабиёт саралаб, сараланиб бораверади, анча-мунча асарлар эскириб, тасаввурдан чиқади, уларнинг ўрнига янада янгироқ, тозароқ асарлар кириб келади. Бу муқаррар кечадиган ички ривож қонунияти, бусиз сўз санъати яшай олмайди", деб ёзади А.Аъзам. Суҳбат якунида ёзувчининг "Ойимнинг гарашалари" номли ҳикояси ҳам босилган.

"Адиб хонадонида" рукнида шоир Ўроз Ҳайдарнинг ижодкор сифатида шаклланиш жараёнлари, устозлари, таржимачилик, ҳозирги пайтда ижод аҳли учун яратилган шарт-шароитлар ҳақидаги кўнгил кечинмаларини ва янги шеърларини ўқийсиз.

Ёзувчи Неъмат Арслоннинг "Кўнгил тубидаги дунё" деб номланган туркум ҳикоялари ғаройиб воқеаларга қурилгани, ноанъанавий услубда битилгани билан муштарийларда алоҳида қизиқиш уйғотиши шубҳасиз. Ёш қаламкаш Динора Раҳимова "Қишлоқдаги бувижоним" номли илк қиссаси билан синчков наср мухлислари синовига



чоғланган. "Қиссада болаларга хос ўта содда, жўнроқ ўринлар ҳам учрайди. Лекин бу ўқувчига сира малол келмайди. Чунки тасвирлар самимий ва ҳароратли", дея таништиради ёш ёзувчи асарини Луқмон Бўрихон.

Назм саҳифаларида шоирлардан Шукур Қурбон, Ориф Ҳожи, Ҳумоюннинг янги шеърий туркумлари билан танишасиз. Француз адиби Эмили Карлнинг "Яшашга ҳаққингиз бор" номли ҳикоясини француз тилидан Жаҳонгир Санақулов таржима қилган.

Шунингдек, ушбу сонда адабиётшунослар Адҳамбек Алимбеков, Раҳмон Қўчқор, Тоштемир Турдиев ва бошқа ёш тадқиқотчиларнинг адабий танқидий мақолаларини, "Ёлпуғич"да Темир Қурбоннинг ҳажвияларини ўқийсиз.

# "МОЗИЙДАН САДО"

*2012 йил, 2-сон*

"Музейда бизнинг ўтмишимиз ҳам, бугунги кунимиз ва буюк истиқболимиз ҳам бамисоли кўзгуда акс этгандек намоён бўлади". Президентимизнинг ушбу сўзлари билан бошланувчи журналининг янги сони Халқаро музейлар кунига бағишланган.



Журнал саҳифаларидан ўрин олган илк мақола Термиз археология музейи фаолияти ҳақида бўлиб, унда музей фондида жамланган экспонатлар, уларнинг илмий аҳамияти ҳақида маълумот берилади. Шунингдек ушбу сонда пойтахтимизда жойлашган Табиат ва санъат музейлари, уларда сақланаётган ашёлар тарихига бағишланган мақолалар ҳам жой олган.

Журнал мухлислари машҳур санъатшунос олима Галина Пугаченкованинг Афғонистондаги археологик қидирувларга бағишланган тадқиқот иши билан ҳам танишишлари мумкин. Дилдора Суюнованинг "Суғд элчилари либоси" мақоласида илк ўрта асрлар даврида мамлакатимиз ҳудудида яшаган халқлар либослари, улар безашда ишлатилган турли нақшларнинг тарихи ҳақида сўз юритилади. Муаллиф мавзуни ёритишда Афросиёбдан топилган деворий суратлардан фойдаланганни ҳам эътирофга лойиқ.

"Мозийдан садо" журналининг навбатдаги сонида ўқувчиларни Зафар Ҳакимовнинг "Оқ-Остона-бобо", Собир Жумаевнинг "Ўзбек халқ чолғулари", Серсенбек Елшибоевнинг "Тошкент воҳаси ва дашти Қипчоқ қурамалари" тўғрисидаги тадқиқот ишлари бефарқ қолдирмайди, деб ўйлаймиз.

**Шавкат ЁҚУБОВ**

---

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва «Ижод» жамоат фонди уюшма аъзоси Мирзабек Давроновга онаси

**РОБИЯ ая**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

---

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти жамоаси Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, институт доценти

**Севилия ТАНГУРИЕВА**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

---

Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси уюшма аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, бастакор Равшан Ҳамроқуловга волидаи муҳтарамаси

**Латофат ая НАСРИЕВА**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

***

ХОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-49-93
Электрон манзилимиз: uzas@b2c.uz

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 236-56-50
Санъат бўлими: 236-56-48
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 236-57-42
Назм ва наср бўлими: 236-58-55

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ

*Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.*

Масъул котиб – Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Шодмонкул САЛОМОВ
Саҳифаловчи — Элёр МАҲМУДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41 уй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 22.18

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 13.06.2007 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адади — 4889 Буюртма Г — 744. Ҳажми — 3 босма табоқ А-2. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 , 5

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН

ISSN 2181-614X